O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Миллий Тиклониш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1998 йил, 2 июн | 16 (146)-сон

МИЯМИЗНИНГ МАШҚЛАРИ

Биз ўзимиз ҳаётмиз. Бизда инсонга берилган ҳаёт ва тирикликнинг барча элементлари мавжуд. Биз ўз ҳаётимиз билан бошқа бизга ўхшаган инсонларнинг ҳаёти ва тириклигига рўпара бўламиз. Бизга рўпара келаётган ва биз бошқаларга — ўзимизга ҳар жиҳатдан ўхшайдиган инсонларга рўпара қилаётган ҳаёт, тириклик қандай ?

Мухбирингизни кейинги кунлар орасида Навоийда, Қизилтепада, Қарши, Термиз, Андижон адирларида кўп файзли боғларга рўпара қилишди. Мухбирингиз эскираётган, эскириб ҳосилдан қолаётган боғларни ҳам кўрди. Янгиланиб келаётган, ёшараётган ёки тамомила янгидан, янги ерларда барпо бўлаётган боғларни ҳам сайр этди. Кўнгли тоғдай ўсди. Қизилтепанинг Зарметанида мевалари шиғил солланиб ётган мевазорда камтарин, камсуқум, ўз боғи ва ўз дарахтларидай ва ҳатто ўз мевасидай содда боғбондан сўради:

— Бу боғлар ўзини боқадими?

Боғбон ўйланиб турди. Сўнг:

— Боқади, — деди. — Одамларни ҳам боқади. Фақат боғ боқсин десангиз, уни ўзингиз ҳам хўб боқишингиз керак. Боғларни рўёбга чиқаришингиз керак...

Боғбоннинг бу сўзи мухбирингизга жуда ёқди.

Боғларни рўёбга чиқариш...

У ўйлаб айтдими ё ўйламай айтдими, лекин шу замоннинг жуда ақлли сўзини айтди.

Шунда мухбирингиз яна қанчадан қанча қўл тегмай қаровсиз ётган, қаровсиз қолаётган боғу боғотларни, узумзорларни эслади ва кўз ўнгига келтирди. Юртга хизмат қилмай қўйган боғлар...

Қаровсизлик нимадан бўлади? Унинг илдизи хафсаласизликми, қўли қисқаликми, умумий маданий қарашларнинг йўқлиги ёки етишмаслигими? Ёки шуларнинг жами ва шу жамни вужудга келтирган — МИЯМИЗДА МАШҚЛАРНИНГ КАМЛИГИМИ?

Боғлар ўз-ўзидан рўёбга чиқмайди. Улар аввало миямизнинг тинимсиз машқларида рўёбга чиқади. Бино бўлади. Ҳосил беради. Омборларимизни тўлдиради. Оғзибурнимизни мой қилади. Мия тинимсиз машқда бўлса, минг гектар ер бир миллион одамни боқиши ва ҳаётдан рози қилиши мумкин. Ва аксинча, мияда машқлар бўлмаса, миллионлаб ҳосилдор ерлар шўр босиб, ўт босиб, сув босиб ётавериши ҳам мумкин.

Зарметанлик боғбон мева-чева етиштиришнинг ўзинигина ўйлаётгани йўқ. У ҳийла вақтлардан буён қаровсиз ётган кичик консерва заводини ҳам бу йил ишга туширди. Консерва учун зарур барча нарсаларни шай қилиб қўйди. Қаерга, қачон, нимани қандай жўнатишни ҳам кўзлаб турибди. У боғнинг чеккаси саноатга бориб уланишини жуда эрта англади. У жуда яхши билади: ҳар қандай саноатнинг боғларга кўзи тўрт. Боғ саноатсиз, саноат боғсиз яшолмайди.

Об-ҳаволар бир томондан бизни эркаласа, ёғин-сочин билан сийласа, бошқа бир томондан шафқатсиз қиличини ялангочлаб туради. Минг-минглаб гектар яшилланиб бораётган пахтазорларни қатқалоққа айлантиради. Тупроқни лой ва сопалакка дўндириб қўяди. Деҳқон ҳар бир туп ғўза ниҳолининг тагини битта-битталаб юмшатиб чиқяпти. Офтобнинг тиғида дев ҳам бундай меҳнатга узоқ чидамаса керак. Юз минглаб ниҳолларнинг остини бирма-бир юмшатиб, ғўзасига ипақдай муҳит яратиб, уни кўп тихир ва қайсар ёввойи ўтлардан тозалаб, эртага кучқудратга тўладиган ғўзасидан ўзининг ҳам куч-қудратга тўлишини умид қилаётган деҳқон эндиликда мия машқларисиз кун кечириб бўлмаслиги ва мия машқларисиз узоққа бориб бўлмаслигини тушуниб етмоқда. Ер обод — кўнгил обод. Ер обод — юрт обод.

Ўзбек деҳқони ҳеч қачон ишдан қочган эмас. У ишлашни билади. У фақат ўзининг иш шароитларини яхшилашга муҳтож. Яхши илмий пишиқ маслаҳатлар, яхши доридармонлар, яхши ўғит-дорилар, яхши техникаларга, яхши моддий-маънавий таъминотга муҳтож. Ерларнинг шўр ва ўт босиши, ҳосилдорликларнинг камайиб кетиши — ана шундай таъминотларнинг яхши йўлга қўйилмаганлигидан, миялар зарур машқлардан қолганлигидан дарак беради.

Қишлоқда ислоҳот... бу — аввало — мияларимиздаги ислоҳотлар. Агар мияларимизда ислоҳот ва бурилишлар рўй бермас экан, одми қўл кучи билан фақат одми натижаларгагина эга бўлиш мумкин. Замон, истиқлол, унинг ислоҳотлари одмиликни кўтармай қўйди.

Мамлакат президенти янги ғояларни ўртага қўйяпти. Янги ғояларни рўёбга чиқарадиган куч-қудрат миянинг тинимсиз машқларидагина ҳосил бўлади.

ЎЗ МУХБИРИНГИЗ



БИЗ КУТГАН ДАМЛАР

ЁЗ — ЁЗИЛМОҚ ДЕМАК

... Мана, барчамизни гоҳ кўм-кўк майса-гиламлари, хуш ҳаво-насимлари билан қувонтириб, гоҳ бемаврид иссиқ-совуқлари, ногаҳоний ёмғир-жалалари билан ажаблантириб, баҳор ҳам ўтди. Навбат пишиқчилик фасли — ёзга етди. Мактабларда йиллик таътиллар бошланиб кетди. Бундан буёғига нималар бўлиши маълум: ҳадемай, арпа-буғдой пишади — ғаллага ўроқ тушади. Шу асно кўклам қуёшидан баҳра олган эртапишар мевалар болга тўлиб, новда-барглар орасида ранго-ранг товланади. Тонг чоғи чумак урган чиллакилар ишкомлар ичра хушнуд мўралайди. Кейин қовун пўчоғи ерга тушади — саратон сарғаяди. Кўп ўтмай мезонлар ҳавога арғамчи солади, боғ-роғлар, пайкаллар хушбўй ҳидларга тўлади.

Халқ бир нарсани билмаса, айтмайди. Қиш қисилмоқ бўлса, ёз ўз номи билан ёзилмоқдир. Бундай иссиқ-ҳароратли дамларда тор ҳовлиларда, диққинафас темир-бетон уйларда узоқ ўтириб бўлмай қолади. Одам боласи борки, табиатни соғинади, табиатга талпинади, кенгликларни, дашту далаларни қўмсайди. Анвойи гуллар барқ уриб ётган боғ-роғларни кезгиси, уларни тўйиб-тўйиб ҳидлагиси, юксак ва мағрур тоғларнинг салқин-тоза ҳавосидан баҳраманд бўлгиси, хилват гўшаларда ором олиб, қушлар нағмасига қулоқ тутгиси, муздай, роҳатбахш сувларда чўмилгиси келади.

Зеро, ёз фақат тўкин-сочинлик фаслигина эмас, сайру саёҳатлар, кўнгилёзар томошалар мавсуми ҳамдир. Биз бугун ана шуни назарда тутиб, ёз манзараларини акс этдик — юртимизни саховатли ёзи акс этсин дедик.

БЕДОР СОАТЛАР

Халқимизда «дийдорлашув» деган гўзал ибора бор. Дийдор шундай бир ноёб гавҳарки, инсоният мудом унга интилиб яшайди. Дўст дўстнинг дийдорига интиқ бўлади. Кўнгил баҳорнинг дийдорига узун қиш тунлари зор бўлади. Соғинчнинг энг олий кўриниши бўлган дийдорлашувда бирдан кўнгиллар уйғонади, унинг тубларида ётган армонлар, дардлар, орзулар, саволлар уйғонади.

Халқ кўзидаги ижодкорларимиз билан бўлган ҳар сафарги учрашувлар, дийдорлашувлар эса руҳият иқлимларида яна бир кўтарилиш содир қилади, бизни икирчикирлардан баландда туришга ўргатади, она-Ватан олдида фарзандлик бурчини янада чуқурроқ ҳис қилишга чорлайди. Инсон қалбининг туб-тубларидан оқиб чиқадиган эзгулик дарёсининг қуриб қолмаслиги учун уйғоқ яшашимизга ғўзал ишоралар қилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими бир-икки йил мобайнида халқ билан ижодкорларнинг қатор учрашувларини ташкил қилиб, вилоятнинг турли туманларида бўлди. Навбатдаги учрашувимиз Паркентда — «Саодатхонлик соатлари» кўринишида ташкил этилди. Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева, адиба Олмос, «Муштум» журнали бўлим бошлиғи Қутби Носировалар иштирок этган бу учрашув Паркент туман маданият уйида бўлиб ўтди. Паркентлик шоир Маҳмуд Тоиров меҳмонларни учрашув қатнашчиларига таништириб, ҳурматли Президентимиз томонидан эълон қилинган оила йили, жумҳуриятимиз оилаларининг тарбияси ва такомилида журналимиз «Саодат»нинг ўрни катта эканлигини таъкидлади. Ойдин Ҳожиева журнал фаолияти ҳақида сўз юритиб, оила билан боғлиқ бугуннинг муаммолари ҳақида сўзлаб, мухлисларини қизиқтирган қатор саволларга жавоб бердилар. Адиба Олмос Ватан ҳақида, Паркентдаги «Қуёш» иншооти қурилиши тўғрисида сўз юритди. Қутби Носирова ёш қизларимизга оила тутишда аёл илми нақадар зарурлигини таъкидлаб ўтди. Учрашувда хушовоз хонанда Жалил Миракбаров, муаллима Шаҳлонинг ажойиб чиқишлари, паркентлик ёш шоиралар Ҳанифа Шамсиева ва Мавлуда Курбоноваларнинг шеърлари ҳам ёрқин таассурот қолдирди. Учрашув сўнгида туман ҳокими муовини Гулчехра Исломова сўзга чиқди. Учрашув иштирокчилари билан хайрлашар эканмиз, уларнинг кўзларида порлаётган уйғоқлик нуридан кўнглим ўсди. Паркентдан қайтар эканмиз, баҳордан баҳра олаётган қалбимга ҳазрат Бобур ушбу байтларини шивирлаб кетгандек бўлди:

Ғафлат уйқусидин уйғон гар тилар бўлсанг мурод,
Ким етар мақсадга ҳар ким, бўлса ул бедорроқ...

Шарифа САЛИМОВА

«МТ»: воқеалар, хабарлар

ЯХШИ ИНСОН ШАРОФАТИ

ШОИР НАЗАРМАТ 80 ЁШГА ТЎЛДИ

Ўзбекистонлик ҳамда тожикистонлик адабиёт ва санъат мухлислари жангчи адиб Назармат Эгамназаровни жуда яхши танишади. У ҳақда гап кетганда, ҳар иккала юрт вакиллари ҳам бир овоздан «Бизнинг шоиримиз» деб фахрланишади. Бу бежиз эмас. Назармат ака ростдан ҳам икки халқ фарзанди, том маънода, икки эл куйчиси.

У Ўзбекистон билан Тожикистон ҳудудлари туташган сўлим бир гўшада — Нов қишлоғида туғилган. Болалиги ва ўсмирлиги азим Сирдарё соҳилларида ўтган. Катта очарчилик йиллари Хўжанд педагогика билим юртининг ўзбек тили курсида ўқиган. Илк шеърлари худди шу кезларда Ўзбекистонда чиқадиган ўқувчи-ёшлар нашри — ҳозирги «Тонг юлдузи» газетасида чоп этилган. Ўзи билим юртини битиргач, маълум муддат қишлоқ ўқитувчиси бўлиб ишлаган. Сўнгра Самарқанд дорилфунунида таҳсил кўрган. Олий маълумот олишни ниҳоясига етказар-етказмас, элга келган тўй боис, эгнига зобитлик либосини илишга мажбур бўлган. Кези келганда, қирғинбарот жангларда қатнашган, кези келганда, ҳарбий мухбирлик қилган. Ҳатто, Ғалабадан кейин ҳам роппа-роса икки йил Полша ва Германияда жанговар хизматни давом эттирган.

Ҳарбдан қайтгач эса, тинч меҳнат ва ижод билан шуғулланган. Салкам қирқ йил «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») ва «Тошкент ҳақиқати» газеталарида ишлаган. Ижодий фаолияти давомида турли мавзуларда кўплаб шеърлар, ҳикоя, қисса, достон, очерк ва қўшиқлар яратган, мухлисларига ўттизга яқин китобини тортиқ қилган. Асарларидан аксарияти рус, украин, белорус, қозоқ, қирғиз, тожик ва бошқа халқлар тилларида ҳам нашр этилган. Назарматнинг номи «Белоруссия адабиёти ва санъати» энциклопедиясига ҳам киритилган. Унда шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳамда Белоруссияни озод этишдаги жасорати ҳақида ихчам-лўнда сўз юритилган.

Мавриди келганда, яна бир ҳақиқатни алоҳида таъкидлаш жоиз. Назармат ака дилкаш-дилбар шоир, нозикфаҳм публицист-ёзувчи бўлиш билан бир қаторда кўпгина халқлар бадиий тилини яхши билувчи таржимон ҳамдир. У Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидаги Кайхусрав, Бедилнинг «Комде ва Мудан», Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо», Хусрав Деҳлавийнинг «Мажнун ва Лайли» достонларини форсчадан ўзбекчага ўгирган. Қозоқ оқини Жубан Мулдағалиев, тожик шоирлари Мирзо Турсунзода, Миршакар, Боқи Раҳимзода, Мўмин Қаноат, рус ижодкорлари Пушкин, Лермонтов, украин адиби Тарас Шевченко асарларини ҳам муваффақиятли таржима қилган. Бунданам муҳими, Назармат ака ўта самимий, камтар-камсуқум инсон, меҳрибон-ғамхўр устоз, оиласига вафодор-садоқатли отахон сифатида эл-юрт эътирофига сазовор бўлган.

Мана шундай ажойиб шоиримиз айни паллаларда ўз умрининг саксонинчи баҳорини қарши олмоқда. Бу табаррук сана нафақат унинг фарзандлари ва қариндош-уруғлари даврасида, балки юртимиз туман-шаҳарларида, шунингдек, қўшни тожик диёрида ҳам кенг нишонланмоқда. Жумладан, яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Дўрмондаги Ижод уйида бўлган давра суҳбати шоир тўйига бағишланди. Унда Иброҳим Раҳим, Саид Аҳмад, Абдулла Орипов, Мавлон Икром, Сафтер Нагаев, Н. Муҳиддинов, Матёқуб Қўшжонов, Ҳафиз Абдусаматов, Собир Мирвалиев ва бошқалар Назармат шаънига дил сўзларини изҳор этдилар.

Оқсоқол ижодкор билан яна бир ижодий мулоқот унга жуда ҳам қадрдон Бекободда бўлиб ўтди. «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, Фахрийлар кенгаши ва Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлимлари ҳамкорлигида уюштирилган бу кечада таниқли шоирларимиз ҳам қатнашдилар. Учрашувда шоирнинг ижоди ва босиб ўтган ҳаёт йўли ҳақида батафсил фикр юритилди. Унинг асарларидан намуналар ўқилди, қўшиқлари ижро этилди. Бекободда бошланган адабий шодиёналар шу куннинг иккинчи ярмида Назармат туғилиб ўсган қўшни Нов туманига кўчди. Шоирнинг 80 йиллигига бағишланган тантаналар икки дўст халқ учрашувига, таъбир жоиз бўлса, жигарбандлар дийдорлашувига айланиб кетди.

Яхши инсоннинг шарофати деганлари эҳтимол шу бўлса, ажабмас...

Абдунаби ҲАЙДАРОВ

«БАҲОР ЧОРРАҲАСИДА»ГИ УЧРАШУВЛАР

Тошкент театрлари маданий маркази авжи кўклам кезлари хайрли ишга қўл урди. Театрлар актёрлари, режиссёрлари ва бошқа ижодкорларини ҳар томонлама рағбатлантириш мақсадида ўзига хос фестивал ўтказиш ташаббуси билан чиқди. У рамзий маънода «Баҳор чорраҳасида» деб номланди. Илк кўрикка турли ижодий жамоаларнинг ўн учта спектакли тақдим этилди. Учта саҳна асари эса танловдан ташқари намойиш қилинди.

Салкам бир ҳафталик ижодий беллашувлар ва муҳокамалардан сўнг ғолиблар аниқланди. Танлов ҳайъати қарорига кўра, Ҳамза номидаги театрнинг «Чимилдиқ», Рус томошабинлар театрининг «Умар Хайём буржи», Тошкент опера театрининг «Граф Люксембург» спектакллари фестивалнинг энг яхши саҳна асарлари деб топилди. Энг яхши режиссура учун белгиланган мукофот «Саломея» спектаклини саҳналаштирган режиссёр Авлиёқул Хўжақулиевга берилди.

Актёрлардан Фарҳод Аминова ва Абдусамат Жўрабоевга насиб этди. Топширилган ролнинг ўзига хос талқини учун таъсис этилган мукофот Элёр Носиров, Наталя Устюгина, Боир Холмирзаев, Юрий Шибков, Равшан Солиҳов, Наталя Гончарова, Гулбаҳор Раҳимова ҳамда Марина Турпишевага лойиқ кўрилди. Миллий рақс ва хореография олий мактаби директори Кўркмас Соатов шу соҳани ривожлантиришдаги, «Хаёл» театр-студияси бадиий раҳбари Гулнора Бухорбоева эса ёш авлодни эстетик руҳда тарбиялашдаги хизматлари эвазига махсус мукофотларга эга чиқишди.

Бундан ташқари, актёрлардан М. Абдуллаев, Н. Хожиқулиев, А. Мела, Б. Назармуҳаммедова, Б. Матчонов рақслар постановкачиси К. Узокова, постановкачи режиссёр Т. Текоев фестивал ҳомийси — «Кўмак» «От кишнаган оқшом»даги Зиёдулла, Афзал Рафиқов «Қирол Лир»даги бош қарамон, Бахтиёр Зокиров «Саломея»даги Пайғамбар, Зулайҳо Бойхонова «Тақдир»даги Ойжамол, Карина Арутюнян «Саломея»даги бош қаҳрамон образини муваффақиятли ижро этгани туфайли энг яхши эркак ва яхши аёл роллари учун ажратилган совринларга сазовор бўлишди. Энг яхши эпизодик рол учун белгиланган мукофот эса Фароғат Раҳматова, Равшан Солиҳов, Наталя Гончарова, Гулбаҳор Раҳимова ҳамда Марина Турпишевага лойиқ кўрилди. Миллий рақс ва хореография олий мактаби директори Кўркмас Соатов шу соҳани ривожлантиришдаги, «Хаёл» театр-студияси бадиий раҳбари Гулнора Бухорбоева эса ёш авлодни эстетик руҳда тарбиялашдаги хизматлари эвазига махсус мукофотларга эга чиқишди.

Бундан ташқари, актёрлар-жамғармаси томонидан тақдирландилар. Энг яхши безак ишлари учун таъсис этилган мукофот рассом Шуҳрат Абдумаликовга, ижодий дадиллик учун берилиши мўлжалланган мукофот Абдуманноп Алимбоевга топширилди.

— Илк кўригимизда фақат пойтахт театрлари, марказимиз ижодий гуруҳи ва меҳмонимиз — Туркманистоннинг «Авара» театр студияси қатнашди, — дейди фестивал директори Тоҳир Йўлдошев. — Биз ўтказган тадбиримиз натижаларини ҳали жиддий муҳокама қиламиз. Агар у ўзини оқлади деган хулосага келсак, кейинги фестивалларимизда вилоятлар театрлари ҳам қатнашиш имконига эга бўладилар.

Ўз мухбиримиз

ЯШИЛ ЯЙЛОВЛАРИМ

Кетсак Ватанларга қайтамиз, кетсак ғаму қувончларга қайтамиз, кетсак севгиларга, севиклиларга қайтамиз.

Бироқ бу юртда қайтиб бўлмас битта Ватан бор. Унинг осмонлари оппоқ, беғубор, яйловлари ям-яшил. Унинг мактаб қўнғироғи янглиғ соғинтиргувчи жарангдор овози бор.

Мен ана шу дунёда оқ кабутардек учиб юрдим, хаёлларимнинг либосида оқ эди, дунёларим-да оқ эди. Онам мактабимга кузатиб келаркан ортимдан меҳр-ла боқарди, отам тунлари узун-узун эртаклар ҳадя этарди. О, у эртаклар юртида яхши одамлар қанчалар кўп эди-я.

Тупроқ кўчаларда қолиб кетганим, изига қайтиб бўлмас йўлим — болалигим, сени соғиндим.

Сенинг севгиларинг ўзгача эди, бетавма эди. Сен энг меҳрманд юрак эдинг, қўлларингдан тутган муаллимангни севардинг, шу севги ҳаққи-ҳурмати унинг сап-сариқ ўғилчасини ҳам севардинг. У сенинг рўмолингни олиб қочиб кетарди, сен эса хафа бўлмасдинг, балки севинар эдинг. Ҳар тонг ариқ бўйида рўмолингни кутар эдинг. Рўмолимдек ҳарир болалигим, ариқларда оқиб кетган болалигим, мактаб қўнғироқларида жаранглаб кулган болалигим, яшил яйловларда адашиб қолганим. Энди сени фақат тушларимда кўраман. Кўзлари маъсум шаддодим. Сени соғинаман! Мактабларда жаранглаган сўнгги қўнғироқ овози мактаб йўлакларида кечган хотираларни эслатиб юборди. Неча кундирки, кўнглим осмонида сўнгги қўнғироқ овози янграётибди. Кетсак юракларга қайтамиз, маконларга, манзилларга қайтамиз. Бироқ энди мактаб остоналарига сўнгги қўнғироқ овозларини тинглаш учунгина қайтамиз...

ГУЛЖАМОЛ

МУСАФФО ОСМОН ЭГАЛАРИ



Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, халқаро Болалар байрами нима учун ёзнинг айнан биринчи куни нишонланади? Бу шунчаки тасодифми ёки бирор-бир рамзий маъно касб этадими? Бир нарса аниқ: ёз йилнинг энг ҳароратли фасли бўлганидек, гўдаклик ҳам инсон умрининг энг соф, эзгу орзу-тилакларга тўла энг бахтиёр онларидир. Шу боис бутун дунё аҳли болаларни ҳимоя қилиш кунини бирдек, кенг байрам қилади. Бунга кечаги ҳафта Ўзбекистон Бадиий академиясида бўлиб ўтган тадбирлар ҳам, адашмасак, ёрқин бир мисол бўла олади.

Ўша куни бу санъат кошонасида «Буюк Ипак йўлининг дўстлик ришталари: ўзбек ва япон болаларининг турфа ранг олами» деб номланган кўргазма очилди. Шу муносабат билан уюштирилган тантанали маросимда жумҳурият Бадиий академияси раиси Турсунали Кўзиев, «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси раиси Г. Йўлдошева, Японияниг мамлакатимиздаги элчиси Койче Абада, кунчиқар юртдаги Нагайа шаҳри «Болалар дунёси» жамғармасининг директори Норио Сайто, шунингдек, таниқли мусаввирлар, жамоатчилик вакиллари, санъат ихлосмандлари иштирок этдилар. Икки халқ фарзандлари яратган суратларни кўздан кечириб, уларда барчага баробар болаликнинг беғубор ҳис-туйғулари, ўзига хос соддаликлари аксини топганини эътироф қилдилар. Бу янглиғ кўргазмалар мурғаклар қалбида нотаниш юрт ҳақида тасаввур уйғотишга, қолаверса, икки эл ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар.

Шу куни академия ҳовлисида яна бир қизиқарли тадбир — болалар асфалт ерга чизган расмлар танлови ҳам ўтказилди. Истеъдод ва маҳорат кўригига устоз мусаввир Рўзи Чориев бошчилигидаги ҳайъат аъзолари ҳакамлик қилдилар. Ғолиб болалар ва бир қатор ёш истеъдодлар махсус совринлар ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Болалар байрами катталарга ҳам завқ-шавқ бағишлади.

Ўз мухбиримиз

Келинг, фикрлашайлик!

ҚЎШИҚ КЎШКЛАРИ

1. Ҳамиша қайд қилиб келинадики, куй — сўз-ижро уйғунлигида чинакам қўшиқ дунёга келади. Шу билан бирга, ҳар қандай санъат асарида, хусусан, куй, қўшиқ, рақсларда рисоладагидек ижро руҳ билан ҳам уйғунлашсагина у ҳақиқий мафтункорлик, кўнгилни ола билишлик касб этади, шундагина кишилар беихтиёр ихтиёр берадилар. Ана шу руҳнинг куч-қудратига қараб ашула таъсир ҳамда яшовчанликка, ҳатто боқийликка сазовор бўлади. Бизни маъзур тутсинлару, ҳозирги давр ижрочиларининг кўпчилигида ана шу ижодий руҳ сезилмаётганини кузатасиз. Руҳиятсиз қўшиқ жонсиз танага ўхшайди, қўзғалмайди, кўнгилни-да қўзғатмайди. Ҳофизлик санъати илм ҳисобланганидан бу касб-корда шу илмни эгаллаган устоз (пир) фотиҳаси билан эл орасига чиқилганига эътиборни қаратсак, қўшиқдаги руҳнинг моҳияти бироз ойдинлашгандай бўлади. Зеро ўрта-майдонга тушишдан олдин ҳофизлар бир неча йиллаб машаққат чекишган, нафақат соз, овоз, ижро, балки кўнгил, руҳ ҳозирлиги кўрилган, ҳофизлик маънавияти ўрганилган. Шунданми, бу илоҳий касб-корнинг қадри ҳофизу халққа ғоятда беқиёс саналиб, илми комилларнинг санъатга эътиқоди юксак, ижролари беназир бўлаверган. Дейлик, айни ҳозирги пайтда ҳам агар Комилжон Отаниёзов филм-концерти намойиш этилса, барча ёшдагилар деярли бирдай томоша қилаверадилар.

2. Ижро ҳаммага ёқишининг асосий шартларидан яна бири — у аввало ижрочининг ўзига ёқиши керак, ўзи ҳузур қилсагина бу ҳузур бошқаларга ҳам юқади. Ашулани эшитаётиб чиндан ҳам айтувчининг, ўзи ҳузурланяптими ёки шунчаки айтяптими, маълум маънода ҳис қиласан киши, мухлисни алдаб бўлмайди. Чунки, юқорида таъкидланганидек, санъат-руҳ иши, шунинг учун ҳам уни юраклар яхши фарқлайдилар. Бу жиҳатдан навбатдаги афсусимиз шуки, миллий ижрочилигимизда ўз-ўзидан ҳузурланиш санъаткорлар қалбида унчалик кечмаётгандай. Айнан ушбу керакли хусусда улар ўзларига камроқ савол қиладилар. Сунъийлик — қуруқлик албатта тингловчининг раъйини қайтаради, шу турдаги куй-қўшиқлардан кўнглини совитади. Аксинча бўлса, элнинг ҳам санъаткорга, ҳам санъатнинг шу йўлига меҳри ортади, меҳрдан эса янги-янги ижрочи-ижодкорлар туғилиши табиий. Ойнаи жаҳон орқали намойиш қилинаётган бир мусиқий базмда қўшиқнинг чертим қисмида моҳир ғижжакчи Муҳаммаджон Марайимов ғижжакни ғоятда усталик билан чин юрагидан берилиб, ўйнатиб чалдики, ўтирганлар қалқиб қарсак чалиб юборишди, айни шу лаҳзаларда ҳамма фақат куйга дил тутди, чолғувчи ҳам, эшитувчи ҳам наво оламичалик чексиз завқ олди. Рўзномалару ойномаларда минг бир танқид қилинаётган энг саёз «эстрада» айтимлари гарчи бемаъни бўлсада, ёшлар уларни ўзни унутар тарзда берилиб айтиб, жазавалар қўйига тушиб кетмоқдалар. Ҳақиқий ижоддан ҳузурланиш руҳни ўша ҳузур сабаб-заминига, демакки санъатга айлантирмоғи тайин. Бемаънилик, олди-қочдилар эса ўсмирёшларнинг руҳини санъатга эмас, жазавага айлантирмоқда. Уларнинг юраги-руҳи ташна, бу ташналик дилни қўймайди. Қолаверса, қайси ёшда бўлмасин, кўнгил ҳамиша озиқталаб. Ҳаётга муҳаббатнинг бир кўриниши бўлган ҳузур истайди қалблар. Зеро, руҳ ҳамиша эркинликни — яйрашни хоҳлайди. Гап куйнинг шўхлиги ёки ғамгинлигида эмас, агар чин санъат асари бўлса, ғамгин куйнинг кенгликларда кезиш ҳам руҳнинг ёзилиши — яйраши ҳисобланади, гап кездира билишда.

3. Ойнаи жаҳонда миллий мусиқамиз намуналари кейинги пайтларда қулоққа чалинмоқда, жонланиш бор. Бу маънода торига эътиқодли ҳофиз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раҳматжон Қурбонов ва яна шу унвон соҳибаси Марям Сатторова ижоди барчага манзур. Шу ўринда яна бир нарсани айтмоқчиманки, «барчага манзур» ифодасини қўллаганимизда, айниқса, тингловчи томошабинлар билан савол-жавоб қилганимизда фақат Тошкент шаҳри аҳолисинигина эмас, бутун мамлакат аҳлини назарда тутмоғимиз керак. Айни шу боис ҳам миллий мусиқамиз намуналарини ойнаи жаҳонда кўпроқ намойиш қилмоқ жоиз, болакайларимизнинг кўзи ҳам; кўнгли ҳам шунга ўргансин, катталарнинг эса кўнгли хира тортмасин, ўсмир ёшларнинг кўзи адашмасин. Ойнаи жаҳоннинг аҳамияти беқиёс, унга уйимизнинг тўридан жой бериш баробарида кўнглимизнинг ҳам тўридан жой берганмиз. Табиийки, бутун мамлакат халқи азим Тошкентга келиб йиғинжой (зал)ларда куй-қўшиқ эшитиб ўтиролмайди. Шу билан бирга ойнаи жаҳоннинг болалар тарбиясига, дунёқарашига таъсири хусусида ўйламай иложимиз йўқ. Зеро, бу ҳақда ўйламаслик таъбир жоиз бўлса, миллат келажаги ҳақида ўйламасликдир. Ҳамма нарса тарбиянинг барча турларини, хусусан, мусиқий тарбияни ҳам айнан болаликдан уларнинг ақлига, хотирига қуйишга боғлиқ, нима қўйилса, шу унга тамал тоши ҳисобланади, ана шу замин тоза ва мустаҳкам бўлмоғи даркор. Болаликда эшитган қўшиқ киши учун мукаддас, чунки у нафақат қўшиқ, балки болаликнинг ўзидир, унутиб бўлмайди, севмасликнинг иложи йўқ. Демак, болаларнинг, ўспирин-ёшларнинг хотира гулшанига эҳтиёт бўлишимиз лозим, унда гулчечаклар ўссин, зеро гулзорида тиканлар ўстирганга тиканлар азиз бўлиб қолади.

4. Табиийки, боғча тарбияланувчилари, барча ёшдаги мактаб ўқувчиларининг илҳақ юраклари ҳам куй-қўшиқлар, завку шавқларга талабгордир. Эътибор қилсангиз, шу даргоҳларда «тарбия-маслаҳат» берувчи ашулалар тинмай ўргатилса-да, улар ўзлари билан ўзлари қолган пайтда албатта тўй-ҳашамларда айтилиб юрган ёки ойнаи жаҳон орқали эшиттирилган куй-қўшиқларни хиргойи қиладилар. Масалан, энди тили чиқаётган бир қизчадан қўшиқ айтиб беришини сўраганимда у берилиб «бийгалпаш (гаплашиш) хумойим бой, қочон бий меймон олосиз» деб айта кетди. Бундай ҳолатларни ҳар бир ҳудуд болаларида кузатиш мумкин, уларни мажбур қилиб бўлмайди. (қолаверса, юқоридаги хиргойи халқона) Демак, сунъийлик эмас, тириклик — ҳаёт қайнаётган нуқтада юраклар қайнайди. Ана шу қайноқ нуқталарга эътибор қаратишимиз тўй-ҳашамларни, катта-кичик турли тадбирларни биз ҳақиқий санъат намуналари билан тўлқинлантирмоғимиз, ташна қалбларга борар йўлларни топмоғимиз жоиз.

Шу шаҳардаги бир танишимнинг тўйида 15—20 тача хонанда. (Ҳатто элга танилган, миллий ижрочилар, хизмат кўрсатганлари ҳам бор эди). Навбатма-навбат қўшиқ ижро қилишди. Минг афсуслар бўлсинки, бирортаси тўйга тор кўтариб кирмади, равшанки, ҳофизларимиз айни шу қўшиқларни ойнаи жаҳонда албатта тор билан айтишади, қолаверса, тўйларимиз қадим-қадимдан ҳофизларимиз учун ўта қадрли саналган, шунчаки хизмат қилиб кетишмаган. Мухлисларнинг диди шу каби сабаблар боис аста-секин ўтмаслаштирилаверади-ю, кейин яна «тушунмайди, хоҳлашмайди», деб улардан нолишлар қилинади. Дидни ҳам узлуксиз чархлаб туриш айни муддаодир. Пичоқнинг юзи қайтиб қолишига пичоқ айбдор эмасда. Аста-секин қўлдан кетган руҳий ихтиёрни қайтариб олиш учун сабр-тоқат, фидойилик, юракни тоблаш қувватига эга бўлган айтувчининг ўзи ҳузурланган оташин куй-қўшиқлар керак.

5. Яна бир нарсани кузатаманки, ойнаи жаҳонда эстрада хонандалари билан кўп-кўп дилкаш суҳбатлар уюштирилади, халқ уларни яқиндан танийди. Миллий қўшиқчилигимиз ижрочилари, созандаю бастакорлари бу маънода ҳам кўринадилар, эл-юртга шахсан бегонадай. Бу ҳам ҳофиз билан халқ орасида узоқлашув пайдо қилади. Айни шу ўринда яқиндан бери мухлисларга ҳавола қилинаётган «Ҳамма кўриши шарт... эмас» кўрсатувини олқишлаган бўлардим. Қадамлар бор, улар яна собитлашса дейман.

6. Мен нафақат ўзимизнинг, балки бошқа халқларнинг эстрада, миллий куй-қўшиқларини уларнинг ўз ижроларида, чин санъат асари сифатида эл қатори севиб тинглайман, завқ оламан, борингки, ҳиргойи қилиб қолишим ҳам табиий ҳол. Одатда, ҳамма ҳам кўнглидан жой олган айтимни ҳиргойи қилади. Ҳиргойи — санъат асарига берилган энг холис ва юксак баҳо. Бизда ҳам эстрада санъати шайтон васвасасига дахлдор жазава маъносида эмас, ҳақиқий талант маъносида ривожланса, эл-юртга ҳавола этилса, бошқаларни билмадиму, шахсан менга хорижона йўлда ҳам мукаммал ижро қилиш бизнинг миллатимиз кўлидан келади деган ғурурни беради. Ахир Ўрўпо хонандалари «Сегоҳ», «Насруллойи» «Феруз»ни, ёки халқ айтимларимизни қотириб қўяётгани, аввало айтишга интилаётгани йўқ. Ва ё миллий мусиқа асбобларимиз жўрлигида ўз тилида куйлаган эмас, куйламас ҳам. Сирасини айтганда, ўзимизникини ўзлаштиришга ўз хонандаларимиз ҳам машаққат чекадилар, бунинг устига унча-мунча овоз билан айтилиб кетавермайди-да. Бизнинг санъатимиз, айниқса, баланд авжлик айтимларимиз ҳамиша ҳам бутун дунё учун жозибадор тилсим, ҳайрат манзили бўлиб келган. Бу касбнинг маҳоратли эгалари ҳозир ҳам ижодий сафарларда бутун дунёга ҳайрат улашмоқдалар. Улар чексиз ҳавас билан қарайдилар, Марямхон Сатторовани хориж саҳнасида тинглашди-ю, ҳофизани нақ уч соат саҳнадан тушгали қўйишмади. Бизнинг миллий услубда уч соат маромига етқизиб қўйлашнинг ўзи бўладими?

7. Турли афсоналарда, қаҳрамонлик достонларида халқнинг азалий курашларида куй-қўшиқ ҳамиша элга ҳамнафас, ҳамкор, енгилмас боқий куч-мўъжиза тарзида майдон олиб келган, қаҳрамонлар ундан бемисл қувват топганлар. Хўш, булар фақат афсонами, ҳаётда-чи, чиндан ҳам шундай бўладими? Узоқ тарихларни қўя турайлик-да, ўзимиз гувоҳ бўлган яқин ўтмишга бир назар солайлик. Миллатнинг миллий руҳини бутунлай ўлдириш осон эмас, тўғри, биз маънавиятимизда кўп нарсаларни қурбон бердик, лекин барибир қизил истибдод миллий руҳимизни буткул сўндиришга эриша олмади. У миллат тиракларини қулатди, эътиқодлиларни қатл этди ва ҳар пайтда эътиқод ўсарини қирқиб турди, лекин қуёшни фалакдан суриб қўёлмади — миллий куйларимиз эл дилига оби равон бўлаверди, таралган бир наво, битта ашула (дейлик, «Ўртар», «Мустаҳзод», «Сувора», «Лазги») қатағонлар, фирибларда қайрилган миллат руҳини яна тиклайверди, шу боис халқ ўзини бермади, у миллатлигича қолди. (Тўғри, мусиқамизга ҳам ҳужумлар бўлди, бироқ кишилар барибир санъат саҳнасида камроқ бўлсада, ҳаёт саҳнасида тилидан, дилидан қўймайдида). Ва миллатлигича қолган халқлар охир-оқибатда душмандан ўзини холос қилдилар.

Куй-қўшиқ қанчалар юксак бўлса, шунчалар камтарин беминнат аҳамияти у қадар кўзга ташланавермайди. Мустамлакачиликнинг илк даврларида улуғ ҳофизларимиз, ундан сўнг эса кейинги авлод вакиллари — шогирдлар улкан юкни кўтардилар. 70—80-йилларда талабалар учун Ш. Жўраев, О. Отажонов, Б. Ҳамдамов, О. Худойшукуров, К. Раҳимов қўшиқлари ёшларнинг ўз тили билан айтганда, «ҳаёт-мамот» бўлса, эл-юртга ҳам шундай, Т. Алиматов, Ф. Умаров наволари меҳнаткашларга мадор, оналарнинг алласию, халқ айтимлари — барча-барчаси бутун бошли бир руҳий армия эди. Ҳар авлодга мансуб санъат фидойилари ўз сафларида собит турдилар, ёт зулукларни миллатнинг юрак қопқаларига қўймадилар. уларнинг ҳар бири бир миллий қаҳрамон, ўзлари билса-билмаса халқ халоскорига айландилар.

Куй-қўшиқнинг қудрати бемисл, у ҳамиша ғолиб, ҳар дам нишон топаверади, қувватлар дояси, юраклар суянчи Азалу абадга дахлдор илоҳий неъмат, яралишда одамзоднинг танига сингган, «Қуръон» тиловатида ҳаволанган тангрининг мўъжизавий инъоми. Ишонч билан айтмоқ мумкинки, миллат қўшиғидан айрилмаса, қўшкидан айрилмайди, бунга тарихлар гувоҳ...

Дилором ҚЎЗИЖОН

ТАҲРИРИЯТДАН:

Фарғона водийсига ортиқча тариф-тавсиф беришга ҳожат йўқ. Табиатнинг бу ажойиб гўшаси содда, оққўнгил ва иймон-эътиқодли меҳмондўст халқи билан янада гўзалдир. Фарғоналик биродаримиз Омонжон Ҳошимов бу юрт жамоли ҳақида ҳаяжонли, муҳаббатли мулоҳаза юритибдилар. Озод юрт ҳақида завқ-шавқ билан ёзиш ватанпарварликнинг белгисидир. Ватанни севиш — бизнинг ҳаётимиз, турмушимиз, қилаётган амалларимизнинг туб моҳияти бўлса ажаб эмас. Ватан фаровонлиги кўп нарсалардан ҳосил бўлади. Кўп нарсаларга боғлиқ. Куни кеча мамлакат раҳбарининг муҳим қарорида белгиланганидек, энди бутун кучни озодликка, саломатликнинг шу энг буюк шартига ташлаш пайти етди. Муаллифнинг юрт, табиат хонадон, инсон озодлиги тўғрисидаги қайғуришларига «МТ» ҳамиша шерик. Чунки онгнинг илк белгиси — озодлик ва фаросат. Шундай эмасми?

ПОКЛАНИШДАН БОШЛАНАР ВАТАН

ҚАДИМ ҚАДРЛАР

Гарчи фарғоналик бўлсам-да лоақал бир йилда бир марта Оқ сувга интиламан. Табиатнинг бизга берган бебаҳо инъоми элимизнинг ризқ-рўзи, умиди, ишончи бўлиб келмоқда. Ҳар мавжида жоду бор. Бешик-бешик бўлиб оқаётган тўлқинларига термулиб бемор соғаяди, соғлом одам ўзида бир ўзгача куч-ғайрат ҳис этади. Яшаш-яратишга, бир сўз билан айтганда, ҳаётга муҳаббат уйғотишдек сеҳрли кучга эга бу дарё. Ҳазрати Шер даргоҳ бу бетимсол масканни ўзининг рамзий маконим деб васият қилганлар, ота-боболаримиз ўғил туғилса, Пиримга атаб бекорга кокил қўймаган эканлар. Кокил кесди боис бу гўзал масканни зиёрат қилишни кўнгилларига тугиб, насиб этишини тангридан тилаганлар... Ёшим бир жойга етса ҳам, ҳали-ҳали ўша тўрт-беш ёшимда илк бор кўрган Шоҳимардонимни қумсайман. Ажиб бир сирли оқшомлар, дарё бўйидаги катта-кичик усти «тим» ёпилган чойхоналар, бирида қора чироқ, бирида ет-тинчи, яна бирида ўнинчи чироқ, бирида ўқишхонлик, бирида қўшиқ-аския авжида, сўридан сўрига, чойхонадан-чойхонага таом узатишлар, энди билсам бу оқибат «қадр»—қадимги қадриятларимиз экан.

Истиқлол, не-не маънавий чашмалар кўзини очди ватан озод; ўзлигимиз ўзимизда; ер-сувимиз, жаннат макон гўшаларимиз ўз тасарруфимизда. Лекин ана шу бебаҳо неъматларни асраш, қадрлаш қай аҳволда?..

Икки йиллик интизорликдан сўнг меҳнат таътили олиб Водилда даволаниш насиб этди. Водил сув айиргич тўғонидан ўтиб сўл соҳил бўйлаб юқорилаб боряпман, у ер-бу ерда ҳар ҳил чиқитлар уюми тўпланиб ётибди, улар сал шамол турса дарёга учиб тушиши аниқ. Сувчилар уйи ортидаги катта ахлат уюмига ўт туташтириб қўйибдилар. Бу қўлланса ҳид «Воҳадил»нинг ҳузурбахш ҳавосини заҳарлаб «воҳадим» қилиб турибди. Саҳарҳез йўловчилардан сўрайман:

— Бу қанақаси? Шу ерда мусулмонман, ўз юртимнинг эгасиман деган инсонлар яшайдими?... Бу қишлоқнинг ғурури борми?..

— Ҳа, ташламанглар дейишган эдию... Ҳамма ўзи билан овора, бепарво...

Яна юқорилаб бориб темир кўприкдан «Бўстон» маҳалласи томон ўтиб ўнг қирғоқни кезаман. У томонда ҳам шу аҳвол. Бир хонадон соҳибини чорладим. Саломалиқ қилдик.

— Отахон, дарё бўйидаги эҳтиёт йўлагини бир қисмигача ким девор, ким чавра, ким четан, ким ахлат уюми билан ховлисига қўшиб олибди. Нега бундай?

— Ҳа энди ҳовли тор-да, не қилайлик?» — дейди отахон.

— Қўй гўнгини хўб тоғ кўтариб уюбсиз, лекин уни ёқиб юборганингиз нимаси? Ахир ерга солсангиз, тиллога тенг-ку! Бунақа қимматли табиий ўғит-озуқани Бешбола, Ёрмозор, Оқ ариқ, Олтиариқ деҳқонлари ернинг дардига тутиё қиладилар-ку.

— Э, бўтам, ҳовли тор, — дейди яна гапини такрорлаб қария. — Ёқиб кулини адирга олиб бориб ташлайман.

Ёши етмишдан ошиб бошидан кўп иссиқ-совуқ ўтган қарияни ранжитгим келмайди. Аммо айтмасам ҳам, дилим ўртаниб турибди:

— Оқсоқол, нима сизга пул керак эмасми? Одамини топсангиз, ҳар тўннасига сўраганингизча пул тўлайдилар ахир, деҳқон учун бебаҳо бўлган бу неъматни кўкка совурганингиз етмагандай шифобахш ҳавони заҳар-заққумга айлантираяпсиз.

Жавоб ўрнига оғир сукут...

Бу ерлар юриб чарчамайдиган йўллар. Йўлда яна бир йўловчи отахондан сўрайман:

— Ота, қайси сувдан ичасизлар?

— Уйдан ўтаётган ариқдан.

— Ифлос қилаяпсизларку сувни?

— Э, баъзилар мағзавани ҳам тўкади, таҳорат ҳам қилади, бир нарса деб бўлмайди. «Катталардан» қариндоши бор, маҳаллани менсимайди.

Дарҳол юртбошимизнинг қуйидаги сўзлари ёдимга келди: «Ножўя раҳбарнинг қиёфасини хотини, болалари, қариндош-уруғлари ёхуд малайлари ҳам билдиради». Қариндоши катта бўлса, нима бўлибди? Бундай ҳурмача қилиқлари билан халқ назаридан қолиш ҳеч гап эмас. Адолатсиз ишлар «суянган тоғлари»ни саратондаги музқаймоқдай эритиб юборади.

Катталик масъулияти чўнг меҳнат. Унинг баҳосини бўлмиш қишлоқ оқсоқоли ва унинг ҳурматли маслаҳатчилари, ҳар куни ҳар йили йиғиндан фойдаланиб, тарғиб қилсалар, ва ўзлари ибрат бўлсалар, кенг жамоатчилик бел боғласа, умидли дунё... Иншооллоҳ, шу ўринда шу туман фарзанди Усмон отанинг бир сўзлари ёдимга келди. Кузда ишкомдан ўз қўллари билан бир бош узумни узиб, оқ сувда чайиб,қаҳрабодай тиниқ ҳусайини доналаридаги биллурий томчиларига қараб чексиз меҳр билан «Биз водилни ана шундай бебаҳо зумрад гўшага айлантирамиз»... деган эканлар. Бугун авлодлар, издошлар Водилни чинакам гўзал масканга айлантириш йўлида тинмай меҳнат қилмоқдалар. Йўллар, сув иншоотлари, боғ-роғлар барпо қилинмоқда. Фақатгина тозаликда бир оз оқсаб турибмиз. Лекин буни уддалаш ҳам ўз қўлимизда. Шоҳимардоннинг муборак пойи остонаси бўлган бу гўшани мен Водилликман деган ҳар бир фуқаро теран ҳис қилса, киндик қони тўкилган она тупроғини эъзозласа, табиатни муҳофаза қилишни ватанни муҳофаза қилиш даражасида ҳис этса, уни ғорат қилишни ҳиёнат деб билса, Усмон ота етмаган эзгу ниятларга водилликларнинг бугунги авлодлари етгусидир.

НАЗАРКАРДАЛИК

Шоҳимардон томон кўтарилиб борган сайин табиатнинг сеҳрли оламига кириб борилади. Айрим лоқайд, эртасини ўйламайдиган юртдошларимиз томонидан бу ернинг ҳавоси, табиати нечоғлик ғорат қилинаётганлигини кўриб юрак увишади. Бутун жамоатчилик бир бўлиб уйимиз бўлган табиатимизни асраш йўл-йўриқларини ишлаб чиқишга тўғри келади. Вилоят туман ҳокимлиги бу тоғлар орасига ҳам зангори олов олиб бориб шароитни бир қадар ўнглаш чораларини кўрмоқда. Лекин турли тоифадаги саёҳатчилар ҳар хил йўллар билан табиатни, дарё сувини ифлослантирмоқдалар. Эҳтимол бу ноёб масканга борувчилар рухсатномалар асосида кириб, бораётган вақти ва қайтиш чоғида яшаган жойини поклаб, ўша ердаги маҳаллий ҳокимлик вакили ёки тегишли ЭКОСАН ходими томонидан жўнаш вақти кўрсатилса, ва унга оғишмай риоя этилса, эслатмада белгиланган тартиб-қоидалар бузилган тақдирда жарима солинса, ва бошқа чоралар белгиланса.

Ота-боболаримиз Шоҳимардонни аввало зиёратгоҳ деб билганлар! У оромгоҳ эмас! Зиёратчи ҳам руҳан, ҳам маънан, ҳам жисмонан озиқ олади. Оромгоҳда фақат жисмонан дам олинади холос.

Помир-Олой тоғ чўққисидаги сув айиргичидан ҳосил бўлган Шоҳимардон ва Сўх дарёси табиатнинг ажойиб мўъжизасидир. Бир манбадан икки хил рангли икки дарё ҳосил бўлган. Мен Шоҳимардон дарёсининг сутдек оқлигини Фарғонанинг оқ кўнгил покиза ниятли кишиларига, тоғ қуёши нурида пўлатдай товланиб оқаётган Сух дарёсини сўҳликларнинг иймон-эътиқоди, яшаш-яратиш йўлидаги мустаҳкам иродасига қиёслагим келади. Хизмат сафари билан Сўхда бўлганимда ҳамроҳим «Чашма»ни кўрганмисиз? — дея сўраб қолди.

— Йўқ десам, йўлда кўриб ўтамиз, — деб ҳайдовчига тайинладилар. Манзилга етиб келиб машина тўхташи билан бир нуроний отахон бизни хўш, хизмат ўғилларим, деган лутф билан қаршиладилар. Салом-аликдан сўнг булоққа қараб туришга келгандим, хизматчилик, маъзур тутгайсизлар, дедилар. Шундан биддимки, табиатнинг бетакрор мўъжизасини бутун аҳоли кўз қорачиғидай асрар эканлар, сув сўраганларга ўзлари олиб чиқиб берар эканлар. Булоқ атрофи кўм-кўк, поклиза; ҳамроҳим қўлида оппоқ чинни билан булоқ томон бошлади. Булоқ тубидан инсон юрагидай уйғоқ, феруза кўзларидай чашма суви қайнаб чиқар экан. Қараб тўймайсиз. Қирғоғи баҳор чечаклари билан қоплангган. Табиий поклик, гўзалликни асири бўлади киши. Ҳамроҳим бир чинни косада булоқ сувидан олиб аввал ўзи уч-тўрт одим булоқдан узоқлашиб, гўё томчиси ҳам қайтиб булоққа томмасин дегандай симирдилар, сўнг бизга ҳам тутдилар. Ичаётиб вужудимда бир ҳузурбахш ҳолатни сездим. Танамга сув билан бирга фавқулодда куч-қудрат ва хушкайфият тарқалди. Шаҳар дудлари, хлорли сувларга тўйган одам табиатнинг бу инъоми қаршисида лол қолмай илож йўқ. Бутун Сўх аҳоли марказини сув қувурлари орқали чашма сув билан таъминлаганмиз, — дейди ҳамроҳим. Шунинг учун бу масканни доимо авайлаб сақлаймиз.

Ҳа, Сўхдаги бу сувга муносабат покликка, иймон-эътиқодга бўлган муносабат билан уйғунлашганлиги ниҳоятда хурсанд қилди.

Юрт жамоли

ЎЗ ШАҲРИНИНГ САРДОРЛАРИ

Бир гуруҳ вилоятимиз вакиллари билан Андижон вилоятининг Хонабод шаҳрига қилган сафаримизда собиқ ижроком раиси Меҳмонов ота ҳамроҳлигида шаҳарни сайр қилган эдик. Отага ҳамма ҳурмат ва самимийлик билан салом беришар, юзу кўзларида шаҳримизнинг ана шундай отахони бор дегандек фахрланишларини кўрдик. Шаҳар ниҳоятда гўзал: унинг гўзаллиги аввало покизалигида, ўн минглаб гуллар, турфа зийнат дарахтлари ва буталар юксак дидли ўсимликшунос кўрсатмаси билан экилганлигини шоҳиди бўлдим. Ҳеч эсимдан чиқмайди, беихтиёр бошқа жойдан ўтишга чоғланган ҳамроҳимизни учинчи-тўртинчи синф болалари дарҳол тўхтатиб, бу ердан ўтиш мумкин эмас, деб тўхтатишди. Бирор ерда қоғоз парчаси, чекиб ташланган сигарет ёки писта пўчоғини кўрмайсиз. Ўз шаҳри учун бир танубир жон бўлиб меҳнат қилаётган Хонабодликларга унинг раҳнамоси Меҳмонов отага ҳар қанча тасаннолар айтилса оз. Юрт эгасини танимаган, уни ҳурмат қилмаган, у билан фахрланмаган хонабодликларни топиб бўлмаса керак. Элга эш бўлиб, унинг дарду ҳасрати, бахтиёр кунларининг ҳамдами, ҳамкори бўлган отахон ўз шаҳрининг ҳақиқий сардори эдилар. Унга бўлган эл ҳурмати, иззат-икромини кўп йиллик беминнат фидойи меҳнатининг меваси дегим келади. Юртим деб ёниб яшаш тимсоли ана шундай инсонларимиздир. Бугун вилоятимизнинг турли-туман шаҳарларида меҳнат қилаётган замондошларимиз Алижон, Акромжон, Абдуқаҳҳор, Баҳодиржон, Баратали, Олимжону Нўъмонжонларда юқоридаги инсоний фазилат нишоналарини кўриб кўнглим қувонади. Олтин водиймизнинг олтин одамларидан яна қанча-қанчаларини санаб ўтиш мумкин. Улар ҳақида кўпроқ ва хўброқ ёзсак ҳам, оз. Зеро, бугунги кадр эртамиз қадрияти бўлиб қолади.

КАДР—ҚАДР ДЕМАК

Бир анжуманда «кадр» сўзининг ўзбекчаси қандай бўлади ? — деган савол устида баҳс-тортишув кетди. Ҳар ким ўз билгича изоҳлаган бўлди. Эсимга Бехбудийнинг «замон кишиси» деган ибораси тушди. Кадр сўзи билан «қадр» сўзи ўртасида боғлиқлик йўқмикин? — деб ўйладим. Қадрни кадр деб англаган одамнинг «оёғи ерда ўрнашади — ахир оёғи ўрнашмаган одам ҳеч қандай юкни кўтара олмайди» — дегим келади.

Буюк бобомиз Амир Темур ўз ўғилларини хоҳ ҳоким, хоҳ саркардаликка тайинлаётганида дунё кўрган ишончли сафдошларидан «отабеги» белгилаганлар ва ҳар қандай ҳолларда ана шу отабегиси билан маслаҳатлашиб иш тутишни ўқтирганлар. Бундан ташқари ҳар бирининг ўз «пирлари» бўлиб, маслаҳатларини олганлар, замонасининг етук алломалари билан бот-бот машварат ўтказиб турганлар. «Кенгашли тўй тарқамас» мақоли шундан қолган. Билимдон, мулоҳазали, маънавияти бой, ўт юрак ёшларни раҳбарлик вазифаларига қўйишда ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган ва асрлар оша ўз қадрини йўқотмаган «отабеги»-га топширишни ҳали ҳам эсдан чиқармасак, қадр-қадр топади, унади, ўсади. Бу бизни бахтимиз. Жамиятимизни бахти, мустақил давлатимизни бебаҳо бойлиги. Қадр «қиммат» бўлсин доимо.

Омонжон ҲОШИМОВ,
Фарғона

ИСРОФ — ЁМОН КАСАЛЛИК

Дабдабали тўйларни кўрганимда 1914 йил 4 апрелда «Садойи Туркистон» саҳифаларида босилган мақола эсимга тушади. Маърифатпарвар оталаримизнинг панд-насиҳатлари айрим кишиларга ҳануз таъсир қилмаётганлиги кўп таажжуб ҳол. Миллий сармоялар ҳавога соврулиб кетмасин деб, ўша мақола яна бир карра «Миллий тикланиш» саҳифаларида босилса, балки фойдадан холи бўлмас.

«ТЎЙГА ҚАРШИ ҲАРАКАТ

Тошкенд аҳли орасинда тўйларга қарши жиддий бир ҳаракат бошланғонлиги кўринадир. Бир неча зотларнинг ўғулларин оҳистагина суннатга мувофиқ хатна қилдурғонлари ва ағниёи киромдан ҳам бир нечаларини мавлуд мажлиси йасаб тўйға сарф (иккинчи иборат ила этканда исроф) қиладурғон пулларнинг бир қисмини жамияти хайрияға ва бир қисмини мактабларға иона қилиб ўғулларин хатна қилдурмакка қасд ва қарор қилғонликлари камоли мамнуният ила эшитилмакдадур. Агарда бу хабар дуруст чиқса, Тошканд мусулмонларининг маразул мавт (ёмон касал) даражасинда ўлан бу хасталик ва бу фалокатдан қутулмакка йақинлашганликлари, шаръи мамнуъ (тақиқ пардаси) ва манфур ўлан бир исроф ва одатнинг тарк этмак даражасина етуб ғафлатдин уйғона бошлағонликлари кўринадур. Бундай инсофли ва ҳимматли зотларға идорамиз ҳар вақт дуохон ўлса керак».

Нашрга тайёрловчи Эргаш УМАРОВ

ЖАСОРАТ ВА БИЛИМ МЕВАСИ

«ЯНГИ ХАМСА»НИ ЎҚИБ

Бу ўткинчи фоний оламда ўз умрини бирор-бир соҳага бағишлаш, ўзидан келгуси авлодларга нимадир бир ёдгорлик қолдиришдан ортиқ бахт борми? Бирор-бир севимли, юрагингнинг тўридан жой олган иш билан астойдил шуғуллансанг, ундан шунчалик кўп баҳра топасан, фиску-фасоддан шунчалик узоқ бўласан, кўнглинг тоза, руҳинг тинч, умринг зое кетмаганидан дилингда таскинлик намоён бўлади.

Таниқли ва заҳматкаш шоир Барот Бойқобилов ҳақида ўйлаганимда юқоридаги фикрлар хаёлимдан ўтди. Яқинда «Мулоқот» журнали таҳририятида у билан учрашганимда бутун киёфасига разм солдим. Машаққатли, тунни кунга улаб, чекилган заҳматларнинг излари кўриниб турибди. Баротни анчадан буён кўрмаган эдим. Бу давр орасида «Навоийнома»нинг 5-китоби «Ҳайратул-Аҳрор» босилиб чиқибди. «Навойнома»нинг бешала китоби бир жойга жамланиб, «Янги Хамса» номи билан нашр этилибди. Чиройли, нафис, салмоқдор бир китоб.

Барот Бойқобилов шоир сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам букилмайдиган инсон. Бу асарнинг жуда катта сабр-бардош келажакка ишончдан туғилгани бунинг далолати. У ижодий кучини меҳнатда, ижодда кўрсатади, тинимсиз ишлайди. Ишда салмоқли натижага эришади. Шу боис бирин-кетин «Навоийнома»нинг 4 та китоби дунёга келди.

Уттиз беш минг мисра
қилинди рақам,
Эллик босма табоқ бўлур,
этса жам.
Бу улуғ меҳнатим меҳрга
муҳтож,
Ким унинг бошига кийгизади
тож.
Ким унинг йўлида бўлур
раҳнамо,
Қисматни ўйлаган борми
бир даҳо.

Барот Бойқобиловнинг тўрт китобдан иборат «Навоийнома»си муҳтарам Президентимизнинг Фармони билан 1994 йилда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофоти билан тақдирланди. Бу мукофот шоирнинг қаддини рослади, белига кувват, кўзига нур берди, келажакка бўлган ишончни янада оширди.

Чўккан кўнглим кўтарилди,
ҳар қалай,
Синган руҳим бутун бўлди,
ҳар қалай.
Кўнглим зада бўлган эди
ҳасаддан,
Яна у ком топди кулган
омаддан.
Мозийдан бошладим яна
бир достон,
Дилда армон бўлиб
қолмасин армон.

Бешинчи китоб — «Ҳайратул-Аҳрор» номли шеърий роман Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратлари сингари буюк зотларга, шавкатли темурийлар салтанати соҳибларига пири муршидлик қилмиш нақшбандия тариқатининг қутби — Хожа Носириддин Убайдуллоҳ ал-Шоший — Хожа Аҳрор Валийнинг ҳайратли ҳаёти ва ҳайрли аъмоли ҳақидадир.

Шеърий роман — «Ҳайратул-Аҳрор»да Хожа Аҳрор Валийнинг бутун ҳаёти барча мураккабликлари билан ўз аксини топган. Кичик бир мақолада бу йирик асардаги барча воқеаларни таҳлил қилмоқчи эмасмиз. Биз фақат «Ҳайратул-Аҳрор» ва умуман «Янги Хамса»нинг энг муҳим характерли томонларини таъкидлаб ўтмоқчимиз, холос.

Биринчидан, бундай ишга қўл уриш учун жуда катта жасорат керак. Жасорат иўқ жойдан пайдо бўлавермайди, унинг маънавий манбалари ҳам бўлади. Бу манбалар шоирнинг шахсияти билан боғлиқ.

Барот Бойқобилов шоир сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам, ношир сифатида ҳам камтар, бағри кенг, олийжаноб одам. У вазмин, камгап, хоксор бўлиб кўринса-да, аммо унинг қалбида шеъриятга нисбатан кучли аланга мавжуд, унинг руҳиятида катта ирода ва қатъият мужассамлашган. У «Мулоқот» журналига мана етти йилдирки, Бош мухаррир бўлиб ишлаб келмоқда. Шу етти йил собитқадамлик билан енгиб, журнални ўз вақтида мушторийлар қўлига тақдим қилиб турибди.

«Мулоқот» журналида жиддий илмий, баҳс-мунозарали мақолалар ёритилади, катта илм қозони қайнатилади. Бунинг асосий сабаби Барот Бойқобилов ижтимоий-сиёсий, тарихий воқеаларини теран тушунади, бу борадаги ўз дунёқарашини тобора тўлдириб боради.

Бизнингча, Барот Бойқобиловнинг илм-маърифат йўлидаги изланишлари, тарихий ҳақиқатни топиб, халққа очиқ айтиш борасидаги ҳаракатлари, ҳозирги замон воқеаларини чуқур идрок этишга бўлган интилишлари мана шундай йирик асар «Навоийнома» ва ниҳоят «Янги Хамса»нинг пойдеворини ташкил этди.

Жасорат ва билим қўш эгизак, бири иккинчидан келиб чиқади, бири иккинчисини тўлдиради. Жасорат билимга йўл очади, билим жасоратни шакллантиради. Яъни билимли одамлар жасоратли бўлади, жасоратли одамлар билимдон бўлади.

Барот Бойқобиловда билим ҳам, жасорат ҳам бор, акс ҳолда бу машаққатли меҳнат ярим йўлда қолиб кетарди.

Бу катта асарнинг иккинчи манбаси машаққатли меҳнатдир. Шоир бу бешта достонни ёзиб тамомлагунча, эҳ-ҳе қанча манбаларни қараб чиқмади, қанча қулёзмаларни кўздан кечирмади, дейсиз. Бешала китобдаги тарихий фактларнинг ўзиёқ шоирнинг туну кун меҳнат қилганининг гувоҳидир.

Бундай катта меҳнатга қандай чидаш мумкин. Шоирга қувват берган нарса нима? Шонш-шухрат орттиришмикин? Ё катта маблағга эга бўлишми? Бизнингча, униси ҳам, буниси ҳам эмас. Шоирга куч-қувват берган, кўзига нур, дилига шуур бағишлаган нарса бу эътиқоддир. Ҳа, эътиқоди бақувват одамлар ҳамма нарсага чидайди, ўз олдига улкан мақсадлар қўйиб, унга эришади.

Барот Бойқобиловда шу учта муҳим фазилат — шеъриятга кучли ҳавас, меҳнат ва эътиқод ёшлигидан мавжуд эди. Қирқ йил олдинги воқеалар хотирамга келади. Биз Самарқанд давлат университетининг филология факултетида ўқирдик. Талабалик йилларда ҳам Барот талабчан, ҳаракатчан, тинмай шеър ёзарди. Бир куни шошиб кетаётганимда университет хиёбонида учратиб қолдим. У қўярда қўймай, ўзининг Руҳобод маҳалласидаги хонадонига, шинам болахонага олиб чиқиб, катта бир достонини бошидан охиригача ўқиб берди.

Бу шеърий романни ўқиганингда яна бир нарса ярқ этиб кўзга ташланади. Шоир узоқ тарихий ўтмиш воқеалари ҳақида ёзганда ўзининг қайси асрда, қаеси мамлакатда яшаётганини, қайси миллатга мансублигини, ўз мамлакати ва ўз халқи ҳаётида нима воқеалар бўлаётганини эсдан чиқармайди. Масалан, «Ҳайратул-Аҳрор»да кейинги йиллардаги ютуқлар ҳақида бир неча саҳифада илиқ, жозибали сатрлар битади. Ўмуман, нима ҳақида ёзмасин, ҳаммасини мустақиллик билан боғлайди. У мустақилликни чуқур идрок этади, мустақиллик ҳақида гапирганда ҳис-туйғулари тошиб кетади.

Шоирнинг ҳаяжонларини тушунса бўлади. Мустақиллик бўлмаганда Барот бу асарларини шу даражага олиб чиқолмасди, хусусан, Хожа Ахрор Валий ҳақида ҳақиқатни айтолармиди, ўз ҳаётидаги аччиқ ҳақиқатни сўзлаб беролмасди.

Ҳали «Янги Хамса» ҳақида гаплар, мулоҳазалар бўлади. Мунаққидлар, тарихчилар, маданият ва санъат арбоблари, аҳли маърифат, сиёсатчилар бу ихтиро ҳақида ўз фикрларини билдирадилар. Биров суюнади, биров куйинади, лекин бу муҳим эмас. Муҳими, шоир қиладиган ишини қилиб қўйди ва бу иш тарихий воқеа бўлиб қолди.

Инсон бахтининг икки томони бор: бири оиласи, иккинчи севимли касб-кори. Баротда иккаласи ҳам бор. Оилавий бахт ҳам, ижод бахти ҳам унинг тақдирида омухта.

Инсон ўзидан сўнг учта ёдгорлик қолдиради: бири фарзандлари, иккинчиси китоблари, учинчиси одамларга қилинган яхшилик, мурувват, эҳсон. Учаласи ҳам Баротда бор. Ажойиб фарзандлар, ажойиб китоблар, ажойиб дўстлар.

Аҳмаджон ЭШОНҚУЛОВ,
фалсафа фанлари номзоди,
доцент



САРИҚЎРҒОН ҚАЛЪАСИНИ КИМ ҚУРДИРГАН?

Ўқчи қишлоғи яқинида Сариқўрғон қалъасининг харобалари мавжуд, хўш қалъа қачон ва кимнинг фармойишига биноан бунёд этилган? Уни қуришдан муддао не эди? Табиийки, бу иншоотни меҳнаткаш, жафокаш халқ йиллар мобайнида беҳисоб куч ва ҳалол тер эвазига қурган. Қалъа қурилиши ҳақида турли-туман тахминлар ва фактлар мавжуд. Уларни солиштирмоқ, аниқлик киритмоқ ҳозирги даврнинг талаби.

Зеро, қадриятларимизни тиклаш, тарихимизни изчил, қунт билан ўрганиш, ёшларимиз онгида ўтмишимизнинг бой осору-атиқалари, ноёб дурдона санъат асарлари, боболаримизнинг заҳматкаш, қадоқ қўллари ила бунёд этилган қалъа, арклар, бинолар билан фахрланиш туйғусини уйғотмоқ даркор. Манбалардан бирида ёзилишича, (Фарғона вилояти, Ўзбекистон районидаги «Ғаниобод» совхози тарихи». Тошкент. 1979 йил. автор Н. Тошпўлатов), Андижон ҳокими Бобур Мирзо Исфарага юриш қилганда, ҳозирги Ўқчи қишлоғи яқинида дам олган ва Сариқўрғон қалъасини қурдирган».

1996 йил Тошкентдаги «Ёзувчи» нашриётида босмадан чиққан «Ватан ичра Ўзбекистонсан» китобининг 13-бетида «Солномадан сатрлар» рукни остида берилган маълумотномада (нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир Эркин Отабоев) шундай сатрларни ўқиймиз:

«Туманимизнинг жанубий-ғарбий ҳудуди Шўрсувсой водийсидаги ерости қазилма бойликлари заҳираси шоир ва олампаноҳ Бобур Мирзо Зумрадшоҳ билан муҳорабага бу ердан лашкар тортиб ўтган замонлардан бери маълум». Бу ерда Бобур Мирзонинг Шўрсувсой орқали лашкар тортиб ўтгани таъкидланмоқда. Ўқчи, Шўрсувсой водийси бир-бирига яқинлиги ва Исфарага йўл шу

Сулолашунослик

музофотлар орқали ўтишини инобатга олсак, турли йилларда ёзилган бу фактларда қандайдир ўхшашлик борлигига шоҳид бўламиз. Энди мазкур китобнинг 12-бетида қайд этилишича: «Сўх дарёсининг қуйи оқими ҳавзасида Давлат Эртажи археология экспедицияси ўтказган текширишлар натижасида ҳозирги Ўқчи қишлоғи яқинидаги Сариқўрғон қалъаси 1500 йилдан бери мавжудлиги аниқланган». Афсуски, экспедиция қачон ўтказилгани ва унга ким раҳбарлик қилгани ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Тошкент Давлат университети филология кафедрасининг мудири, профессор Ёрмат ака Тожиевнинг фикрича, Бобур Исфарага Ўқчи, Шўрсувсой орқали юриш қилиб ўтган. Лекин йўлда тўхтаб, қалъа ёки қўрғон қурдиришга фурсати бўлмаган экан.

Мен Ҳўқанди Латиф шаҳридаги Худоёрхон ўрдасида жойлашган, Ўлкашунослик музейининг илмий ходими, тарихимизнинг билимдони Муҳаммад Яҳёхон Дадабоев билан суҳбатлашдим. Сариқўрғон қалъаси тўғрисида суриштирдим. Маълум бўлишича, Сариқўрғон қалъаси қурилишига Бобур Мирзонинг умуман алоқаси йўқ экан. Агар Бобур Сариқўрғон қалъасини қурдирган бўлса, бу ҳақда албатта «Бобурнома» асарида ёзган бўлур экан.

— «Қалъани аниқ манбаларга асосан 1743-1753 йилларда Қўқон хони бўлган Эрдонохон қурдирган ва Қўқоннинг сўнгги хони (уч бор тахтга ўтирган, 1845, 1860, 1865 йиллар) Сайид Муҳаммад Худоёрхон қайта таъмирлатган. Қуришдан асосий мақсад, Сўх қирғизларини назорат қилиб туриш бўлган», — деб ўз сўзини якунлади Муҳаммад Яҳёхон ака. Демак, Сариқўрғон қалъасининг қурилиши ҳақидаги баҳс давом этади. Тарих ҳаққонийликни талаб этгани боис, фикр ва тахминларни аниқламоқ ва холисанилло бир тўхтамга келмоқ жоиз. Сариқўрғон қалъасини қайси даврга мансублигини аниқ ҳужжатлар асосида исботламоқ зарур. Шундагина комил ишонч билан қалъани ким қурдирганлигини аниқ, рўйрост айта оламиз.

Эркин ҲАЁНБОЙ
Фарғона

ТУРКИЙЛАР САРҲАДЛАРИ

Балъамийнинг «Таржимаи тарихи Табарий» асари маълумотлари асосида

Ўрта асрларда яратилган тарихий манбаларда бевосита миллий тарихимизга алоқадор, аммо ҳанузгача мутахассисларга ҳам яхши маълум бўлмаган ноёб маълумотлар учрайди. Шундай нодир манбалардан бири X асрда яшаган Абу Али Муҳаммад Балъамийнинг «Таржимаи тарихи Табарий» асаридир. Балъамий машҳур тарихчи Муҳаммад ибн Жарир Табарийнинг «Тарих ар-расул ва-л-мулук» («Пайғамбарлар ва подшолар тарихи») ёки қисқача номи «Тарихи Табарий» бўлган асарини арабчадан форсчага эркин таржима қилиб, айниқса, Марказий Осиёга оид қисмларини янги маълумотлар билан тўлдириб қайта ишлаган. Шу сабабли Балъамий оддий таржимон бўлмай, асарнинг айрим қисмлари муаллифи ҳамдир. «Тарихи Табарий»нинг форсий нусхаси «Таржимаи тарихи Табарий» номи билан машҳур бўлиб, бошқа бир қанча тилларга ҳам ўгирилган. Мазкур араблар истилоси даврига бағишланган бобларида Мовароуннаҳрда яшаган туркий аҳоли ҳақида шундай муҳим маълумотлар учрайдики, улар яқингача Оврупо ва шўро тарих фанида ҳукмрон бўлган ва ҳозирда ҳам яшаб келаётган баъзи тасаввур ва қарашларга жиддий тузатишлар киритишини тақозо қилади. Тўғри, яқин ўтмишда ва ҳозирда ҳам тарихий тадқиқотларда ўша пайтда Сирдарё бўйларида ва Фарғона водийсида турклар зич яшаб, бу ҳудудларда уларнинг шаҳарлари бўлганлиги эътироф этилади. Аммо Мовароуннаҳрнинг марказий вилоятларида эса турклар кўпроқ қишлоқлар ва саҳроларда яшаб, асосан кўчманчи тарзида ҳаёт кечиришгани таъкидлаб ўтилади. Ҳолбуки, Балъамий каби ўрта асрлар тарихчилари араблар босқини пайтида Мовароуннаҳрнинг марказий шаҳарлари, жумладан, Самарқанд аҳолисининг ҳам салмоқли қисми туркийлар бўлганига гувоҳлик беради. Афсуски, бундай қимматли маълумотларга ҳатто академик В. В. Бартолд каби улкан шарқшунос олим ҳам лозим даражада эътибор ва аҳамият бермаган. Бироқ, асоссиз равишда олимларнинг назаридан четда қолиб келаётган бўлсада, бундай маълумотлар мўътабар манбаларда мавжуд ва назаримизда улар тарихий ҳақиқатга мутлақо хилоф эмас. Чунки туркий аҳоли Мовароуннаҳрда қадимдан яшаб келган бўлиб, қушонлар, хунлар, эфталитлар ва турк хоқонлиги даврида уларнинг салмоғи анча ортган. Кўчманчиларнинг ўтроқ ҳаётга ўтиш жараёни ўлкамизда доимий бўлган. Шундай экан, VIII асрда Мовароуннаҳрнинг йирик шаҳарларида туркий аҳолининг гавжум тарзда яшагани ҳеч бир ажабланарли эмас. Қудратли Ғарбий турк хоқонлигининг ички низолар оқибатида парчаланиб кетиб феодал тарқоқлик юзага келгани сўнгроқ араб лашкарбошиси Қутайбага Мовароуннаҳри фатҳ қилиш учун қулай имконият яратиб берди. «Таржимаи тарихи Табарий»да Мовароуннаҳрнинг фатҳ қилиниши бир қадар муфассал тасвирланган. Қутайбанинг Пайканд шаҳрини забт этиши ҳақидаги фаслда шундай маълумотлар бор: «Ўша куни то кечгача қаттиқ жанг қилдилар. Ниҳоят, турклар мағлубиятга учраб қочишга юзландилар ва Пайканд шаҳристонига кирдилар. Мусулмонлар уларнинг орқасидан қувиб бир қисмини ўлдирдилар ва бир қанчасини асир олдилар. Қолганлари шаҳарга кириб мустаҳкамланиб олишди» (2816-қўлёзма, 245 б. варақ). Пайканд шаҳри харобалари ҳозир Қорақўл ва Бухоро шаҳарлари оралиғидадир. Наршахий маълумотига кўра бу шаҳар ўша даврда катта ва обод бўлиб, аҳолиси савдогарчилик билан шуғулланганги учун «Мадинат ут-тужжор» яъни «Савдогарлар шаҳри» номини олган. Шаҳар аҳли қаттиқ қаршилик кўрсатгани сабабли Қутайба Пайкандни «Жезқўрғон» деб атаган. Пайкандликлар қўзғолон кўтариб араб ноибини ўлдиргач, Қутайба шаҳарни иккинчи бор забт этиб аҳолисини қирғин қилиб ва қулликка ҳайдаб кетгач, Пайканд абадий вайронага айланиб, сўнгра қайта тикланмаган. «Таржимаи тарихи Табарий»нинг «Бухоро, Кеш (Шаҳрисабз) ва Нахшаб (Қарши)нинг олиниши» фаслида жумладан қуйидаги маълумотлар бор: «Қутайба Марвдан қўзғалиб тўқсонинчи йилда Бухоро томонга юриш қилди. Хазот, Сўғд ва бошқа турк шаҳарлари ҳам унинг атрофида эди. Қутайба вакил юбориб уларни ҳам итоатга чақирди. Бу вакиллар қайтиб келмасдан олдинроқ Қутайба Бухорога етди. Сўнгра у Вардана ва Хазотни қамал қилди. Бу шаҳарлар аҳолиси ташқарага чиқиб урушдилар. Араблар бир соатгина жангга тоқат қилиб туришди. Турклар ғалаба қозониб арабларни жойидан қўзғатишди ва улар Қутайба қароргоҳига қочиб кетишди. Чунончи, аёллар отларнинг бошига уриб, (қочоқларни) орқага қайтаришди. Араблар қайтишди ва туркларни сиқувга олиб яна ўз жойларига суришди. Турклар бу ерда тўхтаб қаттиқ олишдилар. Қутайба лашкаргоҳга жар солдирди: «Сизлардан ким туркларни жойидан қўзғатади?» Ҳозир бўлган барча араб қабилаларидан ҳеч ким жавоб бермади. Сўнгра Қутайба Бани Тамим қабиласи олдига борди ва бу сўзни уларга айтди». Балъамий ёзишича, Бани Тамим қабиласи сардорлари ўз қабиладошларини эргаштириб туркларга қарши жангга киргач, турклар мағлуб бўлишади. Ушбу воқеа тафсилотидан сўнг муаллиф яна шундай деб ёзади: «Қутайба» ҳар кимки туркларнинг бошини келтирса, унга юз дирҳам бераман», — деб жар солдирди. Араблар шитоб қилдилар ва туркларнинг бошларини Қутайбанинг олдига келтириб, эвазига дирҳам олдилар. Турклардан бисёр халқ ўлдирилди ва араблар катта ўлжалар олишди. Сўнгра Қутайба Марвга қайтди. Худди шу йили Қутайба турклар шоҳи Тархон билан сулҳ тузди» (2816-қўлёзма, 246 а. варақ). Балъамий асарининг «Қутайбанинг Самарқандни фатҳ қилиши» фаслидаги маълумотларга кўра ҳам шаҳар мудофаачилари асосан туркларнинг бўлишган. Мовароуннаҳрнинг қадимий пойтахтини қамал қилган Қутайба девортешар асбоблар ва тошотар манжаниқларни ишга солиб ҳужумни кучайтиргач, ҳимоячилар оғир вазиятда қолишади. Шу ўринда муаллиф шундай деб ёзади: «Сўнгра турклар бонг урдилар ва «бугун қайтиб кетинглар, эртага сулҳ тузамиз», — дедилар. Қутайба деди: «Туркларга ожиз бўлиб қолишди. Орқага қайтинг». Эртасига Қутайба улар билан сулҳ тузди ва ҳар йили ўн минг марта минг (яъни ўн миллион) дирҳам тўлашларини шарт қилиб қўйди. Яна бу йил уч минг қул беришлари шарт бўлиб, улар орасида ёш болалар ва қариялар бўлмаслиги керак эди. Оташкадалардаги бутлардан зар безакларни юлиб олиб, бутларни ўтда қуйдирмоққа қарор қилишди. Қутайба ўзи тўрт юз куролли киши билан Самарқандга кириб бутхонага борди. Бутларни унинг олдига келтиришди. Қутайба улардаги безак зийнатларни йиғиб олиб ўтда қуйдиришни буюрди. Самарқанд турклари «бу бутларнинг орасида бир неча бут борки, ким уларни қуйдирса ҳалок бўлади», — дейишди. Қутайба «мен ўз қўлим билан ўт қўяман», — деди ва олов келтиришларини буюрди. Сўнгра ўз қўли билан ўт қўйиб барча бутларни қуйдирди» (2816 — қўлёзма, 248 а. варақ). «Таржимаи тарихи Табарий»нинг Муҳаммад Юсуф Баёний томонидан амалга оширилган ўзбекча таржимаси қўлёзмасининг Самарқанд фатҳи ҳақидаги фаслидан ҳам бир парча келтирамиз: «Вақтики Қутайба Марвга қайтиб эрди, биродари Абдуллоҳ ибн Муслимни халифа (ноиб) қилиб сипоҳи бисёр била Самарқандда қўйди. Пас (сўнгра) шарт қилдики, ҳеч кофирни Самарқанд ичра қўймагайсан. Кофирларга лой била муҳр қилғайсен ва андин сўнг фармон қилғайсен, то ул кофирлар шаҳардин ташқари чиқғайлар. Агар шаҳардин чиқмасдин бурун лой қуруса, ани ўлтургайсен. Ҳар кишиники турклардин салоҳ (курол) била кўрсанг, ани ўшул соат ўлтургайсен. Агар кишини кўрсангки, кеча ичра юрийдур, ани ҳам ўлтургайсен. Бу сўзлардин хилоф қилмағайсен» (1229-қўлёзма, 288-варақ).

Юқоридаги мисоллардан маълум бўладики, VIII асрда Мовароуннаҳрнинг марказий шаҳарларида сўғдлар билан бирга туркий аҳоли ҳам кўплаб яшаган. Назаримизда, сўнгроқ сомонийлар даврида форс тилининг мавқеи кучайганда шаҳарларда яшовчи туркий аҳолининг бир қисми форсийлашган. Шу пайтгача Марказий Осиёда тиллар асиммиляцияси ҳақида сўз юритилганда, масалага кўпроқ бир тарафлама қаралади. Яъни туркий тилли аҳоли томонидан форсийзабон аҳолининг ассимиляция қилиниши гўёким доимий бир жараён каби кўрсатилади. Ҳолбуки, айрим даврларда бунга тескари жараён ҳам содир бўлган. Ўрта асрларда бошқа-бошқа тилли аҳоли ёнма-ён яшагаида бу табиий бир ҳол эди. Ҳатто Мовароуннаҳрнинг турли вилоятларида ҳар хил шарт-шароитга кўра бир даврнинг ўзида қарама-қарши жараён содир бўлаверган.

Биз ушбу мақолага асосан «Таржимаи тарихи Табарий» асарининг Қутайба юришлари ҳақидаги бобининг айрим фаслларидаги маълумотларни жалб қилдик. Албатта, мазкур мавзуни кенгроқ ёритиш учун бу асарнинг бошқа боблари ҳамда Табарийнинг «Тарих ар-расул ва-л-мулук», Балазурийнинг «Китоби футуҳ ал-булдон», Ибн Аъсам ал-Куфийнинг «Китоб ал-футуҳ», Нажмиддин Али Ҳафс Насафийнинг «Китоб ал-қанд фи тарихи Самарқанд» каби бошқа кўплаб асарлардан ўнлаб, юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Энг муҳими, шундай мўътабар ва ишончли манбаларда ушбу маълумотларнинг мавжудлигидир. Энг ачинарлиси эса, уларнинг илмий тадқиқотлар ва Ўзбекистон тарихига оид шу йилларда кетма-кет яратилаётган дарслик ва қўлланмаларга етарлича жалб қилинмаётганлигидир. Юртимиз истиқлолга эришгач, ўтмиш ва янги тарихимизни ўрганиш зарурати ва аҳамияти, аҳолининг турли қатламларининг тарихий билимларга бўлган эҳтиёжи ва қизиқиши анча ортди. Шу сабабли ўтган беш-олти йил ичидаёқ ўлкамиз тарихига оид оммавий фойдаланишга мўлжалланган бир қанча дарслик ва қўлланмалар яратилди. Ушбу китобларнинг ҳар бирининг сўзбошисида муаллифлар халқимиз тарихини эски дарсликларнинг тамоман аксича янгича назар билан илмий асосда ва холисона ёритишганини ғурур билан таъкидлаб ўтишади. Тўғри, мустақиллик берган имконият туфайли бу китобларга олдин тақиқланган янги мавзулар киритилган, баъзи йирик сиёсий арбоблар фаолиятига янгича қарашлар асосида баҳо берилган. Аммо афсус-надоматлар билан шуни эътироф этиш керакки, бу дарслик ва қўлланмаларнинг аксариятининг ёзилиш савияси ўта ночордир. Шу сабабли катта маблағлар ҳисобига нашр этилган бу китоблар ўзларига юклатилган шарафли вазифани лоақал бир неча йил давомида бажаришга ҳам қодир бўлолмай, ғоят тез эскириб қолмоқдалар. Уларнинг Ватанимиз ўтмишидаги кўпгина муҳим воқеалар ёритилган саҳифаларида муаллифлар асл манбаларга таянмасликлари оқибатида бир қатор хато ва чалкашликларга йўл қўйилган. Араблар истилоси даврини ёритишда ҳам қарийб барча дарслик ва қўлланмаларга хос бўлган хато бир одат мавжуд. Мовароуннаҳрда араблар истилосига қарши курашган турклар ҳақида сўз юритилганда деярли барча ҳолларда уларни сўғдлар Шарқий Туркистондан ёрдамга чақиришган, деб таъкидланади. Бу кураш айрим узилишлар билан қарийб юз йил давом этганини эсласак, Мовароуннаҳр озодлиги учун бутун бир аср давомида нуқул четдан чақирилган кучларнинг жанг қилишгани таажжубланарлидир. Ваҳоланки, ушбу китобларнинг олдинги бобларида Мовароуннаҳрда туркий аҳоли анча азал-азалдан яшаб келгани, турк хоқонлиги даврида айниқса кўпайгани айтиб ўтилган. Хўш, энди Ғарбий турк хоқонлиги парчаланиб кетгач, Мовароуннаҳрдаги туркий аҳоли ҳам хоқонлик билан бирга ғойиб бўлганми? Истилочиларга қарши курашган туркларнинг асосий қисми маҳаллий турклар бўлиб, Шарқий Туркистондан мададга келишгани уларнинг фақат бир қисмини ташкил этганлигини таъкидлаш ҳақиқатга яқинроқ эмасми? Мисол сифатида Ш. Каримов ва Р. Шамсутдиновларнинг олий ва ўрта ўқув юртлари талабалари учун қўлланма сифатида чоп этилган «Ватан тарихи» («Ўқитувчи» нашриёти, 1997) китобининг «Араблар зулмига қарши халқ озодлик курашлари» фаслидан парча келтирамиз: «720 — 722 йилларда биринчилар қаторида арабларга қарши сўғдиёнада қўзғолон кўтарилди... Ҳар сафар бўлганидек, сўғдликларнинг озодлик ва эрк учун курашларини турклар қўллаб-қувватлаганлар. Еттисувдан Туркаш хоқон шаҳзода Курсул бошчилигида катта қўшинни ёрдам бериш учун Самарқандга юборган. Сўғдликларнинг бирлашган кучлари арабларга қарши муваффақиятли жанглар қилиб бир неча сезиларли зарбалар берганлар» (152-бет). Шунга ўхшаш фикр-мулоҳазалар китобнинг бошқа саҳифаларида ҳам бор. Масалан, 154-бетда шуни ўқиймиз: «Ана шу аснода (араблар ноиби — F. K.). Ашрос исломни қабул қилган ва қилмаганлардан ҳам бир хилда аввалгидек солиқ йиғаверишни буюрди. Бу тезда сўғд аҳолисининг норозилигига сабаб бўлиб, катта қўзғолонларнинг бошланишига олиб келган... Турклар қўзғолончиларни қўллаб-қувватлаб уларга ёрдам берганлар». Умуман, китобнинг бу бобидан «маълум бўладики», туркларнинг ўзларини озодлик ва эрк учалик қизиқтирмаган. Фақат ҳар гал сўғдлар ажнабийлар зулмига қарши бош кўтаришганида аллақаердандир турклар ёрдамга келишган. Бундай маълумотлардан баъзи ўқувчилар «ўша пайтда Мовароуннаҳрда турклар умуман бўлмаган экан-да», — деган хаёлга боришлари ҳам ҳеч гап эмас. Ҳолбуки, шарқий туркларнинг Мовароуннаҳрдаги қўзғолонларга ҳарбий ёрдам кўрсатишгани ҳам бежиз бўлмай, улар бу ўлкадаги туркий аҳолини ўзларига қардош, элатдош ҳисоблашарди. Кўпчилик таълим олишига мўлжаллаб тарих фанидан дарслик ва қўлланмалар яратаётган муаллифлар ҳар бир жумлани ёзаётганда «ўқувчилар ва талабалар бундан янглиш хулоса чиқармасмиканлар», — деб атрофлича мулоҳаза қилишга масъул эмасларми, ахир?! Муаллифларда араб ва форс тилларидаги манбаларни кўздан кечириб чиқиш имконияти бўлмагандир десак ҳам, уларнинг бир қисми ўзбек ва рус тилларига таржима қилинган-ку. Масалан, «Тарихи Табарий» асаридаги Марказий Осиё тарихига оид маълумотлар В. И. Беляев томонидан араб тилидан рус тилига ўгирилган ва Тошкентда чоп қилинган («История ат-Табари», «Фан», 1987). Ушбу китобни варақлаб кўрган киши ҳам Мовароуннаҳрда истилочиларга қарши олиб борилган узоқ муддатли курашнинг асосий ташаббускорлари ва фаол ҳаракатлантирувчи кучлари айнан турклар бўлганига ишонч ҳосил қилади. Бу ҳолнинг маълум сабаблари бўлган, албатта. Турклар ҳарбий ишга моҳир эканликларидан ташқари, уларнинг муайян қисми чорвадорлар бўлгани учун отлиқ аскарлари кўп эди. Асосий сабаби эса ўша даврда Мовароуннаҳрда туб жойли туркий аҳолининг миқдори ва микёси анча катта бўлганлигидир. Асл манбалар ва жиддий илмий тадқиқотлар маълумотлари асосида яратилмаган дарслик ва қўлланмалар заиф ва умри қисқа бўлиши муқаррар. Аслида ўша даврдаги турклар каби сўғдлар ҳам ўз ажодларимиздир. Сўғдларнинг муайян қисми кейинчалик ўзбек халқи таркибига сингиб кетгандир.

Муҳим масалаларни баён қилишда манбаларни синчиклаб таҳлил қилмаслик оқибатида «Ватан тарихи» китобининг бошқа баъзи бобларида ҳам кўпол хатоларга йўл қўйилган. Миллий тарихимиздаги йирик сиёсий арбоблар бўлган Маҳмуд Ғазнавийга — «чўқабурун» (202 бет) ва Жалолиддин Мангуберди (Мангуберди, Мангбурни)га «манқабурун» (226-бет) деган ҳақоратли ва уйдирма сифатлар ёпиштирилган. Хоразмшоҳ Жалолиддиннинг шахсий котиби Шаҳобиддин Насавийнинг «Сират ас-султон Жалолиддин Мангбурни» асарини рус тилига таржима қилиб нашр этган атоқли озарбойжон олими Зиё Бунёдов таржима матнига тузилган изоҳларда ўрта асрлар муаррихи Ғози Аҳмад Ғаффорийнинг «Жаҳоноро» китобидан ушбу маълумотни келтиради: «Султон Жалолиддин ибн Қутбиддин Муҳаммаднинг бурнида холи бўлгани учун у «Мангбурни» лақаби билан машҳурдир». Туркий «манг» ёки «менг» сўзининг маъноси «юздаги хол» эканлиги Маҳмуд Кошғарийнинг «Девон»ида ҳам айтилган. Мумтоз адабиётимизда бу сўз гўзалларнинг ҳуснини таъриф-тавсиф қилишда жуда кўп қўлланилган. Ҳозирги ўзбеклар орасида ҳам айниқса Хоразм ва Бухоро вилоятларида Мангли, Холмангли исмли кишилар учраб туради ва бундай номлар юзида холи бўлган ўғил ва қиз болаларга қўйилади. Ғарчанд муаллифлар Насавий асарининг русча таржимаси ва З. Бунёдов тадқиқотларидан кенг фойдаланишган бўлишса-да, ушбу муҳим факт негадир назарларидан четда қолган. «Ватан тарихи»нинг 339-бетида гўёким Насавий асари русча таржимасининг 193-саҳифасидан «олинган» бир кўчирма келтирилган. Аммо мазкур кўчирма 193-саҳифа тугул, асарнинг бошқа бирон жойида ҳам мавжуд эмаски, муаллифларнинг бу ишини биз нима деб аташга ҳайронмиз. Қўлланманинг 137-саҳифасидаги «ўн фиизга яқин мусулмонларни ўз атрофига уюштирган шиалар Муҳаммад алайҳиссаломдан сўнг пайғамбар сифатида фақат Ҳазрат Алини ва унинг авлодларидан бўлган ўн икки имомни тан оладилар, холос», — деган жумлада, чамаси матбаа хатоси туфайли «халифа» сўзи ўрнига «пайғамбар» деб ёзилган. Чунки Муҳаммад алайҳиссалом сўнгги пайғамбар эканини суннийлар ва шиалар бирдек эътироф этишади. Бу янглиғ хатолар беихтиёр ўтиб кетганида ҳам китоб охирига муҳим тузатишлар жадвали илова қилиниши зарур эди. Гарчи «Ватан тарихи» китоби фазилатлардан ҳам холи бўлмаса-да, аммо унда йўл қўйилган нуқсонларни тузатиш ва изоҳлашга тўғри келади.

Ғулом КАРИМ,
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими

Оила йили ҳамда халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган «Баҳор чорраҳасида» фестивали томошабинларни театрлар атрофига жамлади.

Фестивалда Ҳамза номидаги ўзбек Давлат Академик драма театри жамоаси «Чимилдиқ» спектаклини намойиш этди.

ТОМОШАБИН ТИРБАНД, ЧИПТАЛАР ТАЛАШ

Ҳамза номидаги ўзбек Давлат Академик драма театрида ёш драматург Эркин Хушвақт қаламига мансуб «Чимилдиқ» асари саҳна юзини кўрганига ҳам мана бир йилдан ошди. Спектаклга қизиқиш ҳамон озайгани йўқ. Муаллиф ҳам саҳналаштирувчи режиссёрлар Турғун Азизов ва Мунаввара Абдуллаевалар ҳам айнан унутилаёзган ўзбекона удумларни мисқоллаб йиғиб, бир саҳна асари доирасида жамлаб кўрсатишга интилганлар.

Асар тўй-томоша билан, келиннинг дугоналари, янгалари даврасида палак остида чилдирманинг қарси-ю, аёлларнинг алёри остида бутун томоша зали бўйлаб саҳнага олиб чиқилиши билан бошланади. Томошабинни иштирокчига айлантириш мақсадида актёрлар ажойиб усуллардан фойдаланганлар: тўйга келаётган қудағайлар кекса томошабинлар билан қучоқ очиб кўришадилар, улар устидан тутаб турган исириқларни айлантирадилар.

Ёш келин-куёвга ажратилган хона. Куёв ўртадаги ноқулайликни йўқотиш мақсадида келинга сўз қотади, турли қизиқ латифалар айтиб беради, турли ҳолатларга киради. Лекин келиндан ҳеч қандай садо чиқмайди: фақат кўз ёши. Ахир уни отаси ўзидан йиғирма ёш катта йигитга зўрлаб турмушга берди. Унинг ҳам орзу умидлари бор эди: у ҳам дугоналари қатори катта шаҳарга бориб ўқимоқчи, Зебунисо сингари шоира бўлмоқчи эди. Бироқ унинг орзу умидлари билан ҳеч ким ҳисоблашмади. Ўзи бирор марта учрашмаган йигитга турмушга беришди. Чуқурроқ олиб қаралса, фожиавий ҳолат. Шунинг учун ҳам момо чимилдиқни оёқ ости қилиб, уйига қайтган қиз фақат ота-онанинг юзини қора қилибгина қолмай, ўзи ҳам бир умр бахтли бўлолмаслигини тушунтиришга ҳаракат қилади. Момо образи Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Дилбар Икромова ижросида ўта самимий, камсуқум, кўпни кўрган, табаррук аёл.

Келин қалбидан кечаётган ўй фикрларни тўғри ва руҳан тушунган куёв унга тонгда кетишига розилик биллдиради ва тезроқ тонг оттириш мақсадида эртак бошлайди. Йигитнинг ушалмаган муҳаббати ҳақидаги эртакни тинглаб ўтирган келин сергак тортади: куёв ўз бошидан ўтган ҳаётий воқеаларни сўзлаб бераётганини англайди. Қаршисида шундоғам бахтсиз бир одам турганини, кўнгли бўш, очиқ табиат, покиза қалбли бундай инсонни ташлаб кетса, ўзи ҳам ҳеч қачон бахтли бўлолмаслигини тушуна бошлайди. Шоиртабиат қиз қалбида бурулиш ясалади: энди у куёвга муомала қилишга ўтади. Актриса қаҳрамони хулқидаги бу ўзгаришни овози, нутқи, юриш-туриши орқали беихтиёр томошабин ҳам ундаги ногаҳоний ўзгаришга, унинг хатти-ҳаракатларига ишониб, келинга ҳамдард бўлади. Унга хайрихоҳлик билдиради. Актриса Мадина Мухторова нима қиларини билмай қолган келинчак образини ўзига хос талқин этади. Актрисанинг титроқ ва ҳаяжон билан обдастани қўлига олиши ва ўз хизматини куёвга таклиф қилиши, рад жавобини олгач, нима қиларини билмай, куёвни ўзига қаратиш мақсадида қўшиқ куйлай бошлаши эпизодлари ҳам кулгили, ҳам таъсирчан чиққан.

Спектаклда куёв образи ҳам муваффақиятли чиққан. Актёр Равшан Жўраев ижросида у ўта самимий, меҳрибон, кўнгли бўш инсон. Келиннинг кўнглини овлаш учун қилган барча хатти-ҳаракатлари чипакка чиққач, у ноиложликдан келиннинг шартини қабул қилади. Ахир у бир бегуноҳ ва бокира қизнинг бахтига зомин бўла олмайди-ку. Шунинг учун ҳам «тонг отгач, барча айбни менга тўнкаб уйингизга кетаверишингиз мумкин», дея, ўзининг ҳаётий эртагини бошлайди. Эртак айтади-ю бутун ҳаёти кўз ўнгидан ўтади. Шунинг учун ҳам кўзидан ёш қўйилаверади, қўйилаверади. Унга қўшилиб сиз ҳам беихтиёр кўзингизга ёш оласиз. Ахир у ўз суйганига етиша олмади, ота-она қистови билан уйланяпти. У келинни фақат чимилдиқ ичида кўраман деб бекорга шарт қўймаган. Бу унинг ҳаётнинг бешавқатликларига кичкина ҳам исёни-да! Актёр ижросида чуқур психологик талқинга эътибор сезилади.

Спектаклда иштирок этган барча актёрлар ўзига топширилган образларни завқ-шавқ билан адо этишга интиладилар. Оқ кўнгил, келинига самимият билан боқувчи қайнона — актриса Гулчеҳра Иброҳимбекова, қайнсингил — Лола Элтоевалар ижроси эсда қоларли. Шу ўринда ёш актриса Лола Элтоева ижроси ҳақида икки сўз. Актриса спектаклда эпизодик образ яратган. Лекин шу образда ўта соддадил, самиий покиза, болалик туйғуларига бой қишлоқ қизи характерини ярата олган. Актрисанинг қадам ташлашидан то сўз оҳангигача шундан далолат беради. У рол ижро этмайди, балки шу қиз бўлиб саҳнада яшайди. Бу актрисанинг табиат ато этган иқтидоридан далолат.

Спектакл безаклари ўта оддий: бир неча палак ва унинг устига осилган саруполар, кўрпа тушаклардангина иборат. Бироқ ана шу оддийликда рассом Бахтиёр Тураев халқ санъатининг гўзаллигини бера олган.

Театр жамоаси ўз асарини этнографик томоша сифатида томошабинга тақдим этмоқда. Спектакл ҳаётга жиддий муносабатда бўлиш, ота-она, эл-улус ва унинг удумларига ҳурмат билан қараш каби ибратли ғояларни илгари суради: буни гоҳ кулгили, гоҳ маюс оҳангларда томошабин қалбига етказади. Шунинг учун бўлса керак, шу бугунга қадар спектаклга чипталар талаш, қўлма-қўл бўлмоқда. Зал ҳар гал тўла. Демак томошабин ҳали театрдан кетгани йўқ. Яхши асарга у албатта келади.

Дилфуза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
санъатшунослик фанлари номзоди

ТУТ ПИШМАДИ — ТУТ ПИШДИ...

Мен тилга олмоқчи бўлган воқеа йигирма-йигирма беш йиллнинг нари берисида бўлиб ўтган. «Каттақозирабод» маҳалласи қадим-қадимдан Тошкентнинг жаннатмонанд гўшаларидан ҳисобланади. Ариқлардаги шарқираб оққан зилол сувлари олтмишинчи йилларгача ичилган: тиниқ, покиза — ҳалол сувлар эди. Бир ёни Дўмбиробод, яна бир ёни Чўлпон отаю, Чарх Камолон дегандек олмазор, ўриксор, узумзор боғлар боғларга уланиб кетган эди. Ичин-ташин қўрғонларга туташ боғларимизда диёримиздаги ҳар мевадан топилади. Ҳаётимизнинг оғир дамларида — 1933 йиллардаги очарчилик, 1941—1945 йилдаги уруш ва урушдан кейинги ҳатто, 1950 йилларгача чўзилган тақчиллик, қашшоқлик йилларида шу боғлар туфайли кўплар жон сақлаб қолган, деб биламан. Раҳматли бувигинам Ойтўрахон отиннинг сўзлари шундоққина қулоғим тагида жаранглаб туради: «Худога шукур, тут пишиғига етиб олдик — энди ҳеч ким ўлмайди» — дегувчи эдилар оиламизнинг нажот фариштаси.

Балх тут... Марвариддек товланган, ҳар зарраси болга, шарбатга тўлиқ бу мева пишганда хўбам файз тушар эди боғларимизга. Биргина бизнинг боғимизда уч тўп балх тут бўларди: бири ташқари ҳовлида бўлса, яна бири ичкари ҳовлида ва учинчиси боғ оёғида... Қўни-қўшни, бола-бақра чодир тутиб тут қоқар, ёшлар дарахт устида — қий-чув...

— Ҳой Акромжон, тешани тутнинг танасига урмагина — пўсти зарар кўради. Шошмай тур — мен ҳозир, — дердилар-да, етмишга етиб қолган бувигинам негадир югириглаб ичкари ҳовлига кириб кетардилар-да, қўлларида рапида билан чопиб чиқадилар. Танасига мана буни қўйиб туриб ур, — деб бувимлар рапидани кичик тоғамга узатардилар.

Бувим югуриб-елиб ҳаммага йўл-йўриқ бериб юради. Хизматдаги ёшлар лаган-лаган тутларни олиб паст-баланд супаларга ёзиғлиқ дастурхонга қўядилар. Эрта саҳарда туриб бувим ёпган бўрсилдоқ зоғора нон одамнинг иштаҳасини қўзғайди. Хуллас, боғида тути йўқларга тут чиқарилар, шаҳардаги қавм-қариндошларга жўнатилар, кўплашиб шинни солинар, қолган-қутгани қоқи қилинарди. Ўша чоқларда 11—12 яшар қизалоқ тут тепасида ўтириб лиммо-лим болга тўлган тутни оғизга солишдан аввал ҳайрат билан тамоша қилардим. Ҳар дона тутни моҳир заргар тарафидан ўрилган марваридларга ўхшатар, бир туп дарахтдаги миллиардлаб тут доналарини шарбатга-болга тўлдирган куч олдида лол қолардим. Оёғимиз заминда, қўлимиз унинг хизматида бўлганликдан, замин етиштириб берган неъматлардан баҳрамандликдан дард билмай ўсгандирмиз балки...

Бу ҳам замонанинг зайлиданми, қишлоқни шаҳарга яқинлаштириш деган баҳонада одамлардан ер-сувни тортиб олиш йўлимиди, билмадим, ёлғиз қозирабод эмас, Дўмбиробод, Чўлпон ота, Чарх Камолон ва яна қанчадан-қанча даҳаларда боғроғлар бўзиб юборилди, ариқлар кўмиб ташланди. Тош бетондан бўлган кўп қаватли уйлар ёмғирдан сўнг бодраб чиққан қўзиқорин мисоли ҳамма ёқни тутди.«Бахти борлар» боғлар тала-тўп қилинганда уй қуриш учун бир парча ерлик бўлдилар. Тўрт-тўрт ярим сотихлик ҳовличаларга энди дарахт тугул одам базўр сиғади. Ўша боғлардан хотира бўлиб унда-мунда яккамдуккам азим балх тутлар ҳамон қад ростлаб туради.

Шу йўсин қўшнилардан Нишонбой отанинг ташқари ҳовлисидага қўш тут осмонга бўй чўзиб, ҳеч нарса билмагандай ҳар йили пишиб, кўрпа бўлиб тагига тўкилиб, ўтган-кетганни, қўни-қўшни ва болакайларни сийлайверади. Аммо... аммо бу дарахтлар бошига ҳам одамлар бошига тушган қора кун тушади.

Мен уларни — у дарахтларни одамга ўхшатаман. Вақти соати билан не-не кўргиликларни кўрмади бу олтмишни уриб қўйган қўш тут ҳам. Икковининг то бўйи баробарида узун ёрлиқ. Ҳар гал кўзим тушгнада: «Тили бўлганда дардини айтарди шўрликлар...» деб кўяман. Рост-да, не-не кунларни кўрмади бу қўш тут...

Ҳозир айни тут пишиғи. Бу қўш тут ҳам пишган. Шу кўчадан ўтганки бор — бахраманд ундан. Буни кўрганимда бир вақтлар бўлиб ўтган воқеалар ёдимга тушди. Бўйи, лопи билан, икки қаватли уй билан баробар бу қўш тут неча-неча йиллар мобайнида пишмади, тўғриғоғи., пишишига имкон берилмади. Фақат бу тутлар эмас, шу ҳудудда неча тўп тут бўлса, ҳаммаси тут пишиғига етмай, йил сайин каллаклаб кетиларади. Ҳар гал тут каллакланганида кўча бошида жанжал кўтарилади. Қариялар тут кесгани келганларга норозилик баён қилар, лекин тут кесувчилар сира бўш келмас, тилларини узун қилиб, бу тутлар давлатга пилла тутиб бериш учун кесилаётганини рўкач қилар ва болаларнинг кўз ёшию, кексаларнинг ўксишига парво қилмай тут кесилиб, навдалари машиналарга босилиб олиб кетиларди. Шунда аламимизга чидолмай: «ТУТ ПИШМАДИ» деган сарлавҳа қўйиб мақола юзиб, газетага йўлладик, Ушбу мақола сарлавҳасидаги !Тут пишмади» деганимнинг сабаби шу эди. Аммо газета таҳририяти ўша замон бу мақолани чиқармади. Балким мақолада фуқароларнинг норозилиги баён этилгани учун босилмагандир... Ҳа, бу ишлардан кўплар норози эди. Мақолада туманимиз яқинидаги жамоа хўжаликлари раҳбариятидан, уларнинг нотўғри иш тутишидан норозилик баён этилган эди. «Пилла етиштиришни режалаштирган хўжалик аввал пилла қуртини нима билан боқишни ўйласин ва ўзлари тут эксин» дейишган эди унда.

Ҳайрият, у кунлар қайтиб келмасга кетди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, шу қўш тутнинг ҳам куни туққан кунлар келди. Энди у каллакланмайди — унинг бошида болта ўйнамайди. Диёримизда юз берган буюк ўзгаришларни мана шу дарахт мисолида — унинг тақдиридан ҳам англаш мумкин. Тут пишди, азизлар — бир неча йилдирки, тут оппоқ бўлиб, шарбатга тўлиб пишиб тагига тўкилиб ётибди. Шу кўчадан ўтганки бор, у ёшми, кексами — ушбу маҳаллаликми, бегонами, унинг мевасидан бирдай баҳраманд.

Мен ҳам шу кўчадан тез-тез ўтиб тураман, қўшниларимиз топтоза қилиб супуриб қўйган асфалтда тўкилиб ётган тут узра энгашганлар қаторига кираман. Оғзим лазиз таъмига тўлади. Ушбу дарахтларни экиб, бизни насибадор қилиб қолдириб кетганларни — Нишонбой оталарни ёдлаб дуо қиламан.

Кўча бошидаги бу тутлар қариган. Бизлардан нима қолади, келажак авлодларга? Ишончим комилки, биз ҳам аждодлар ишини давом эттирамиз. Бир дарахт ўрнига иккитадан дарахт, ўшандаям бўлса мевали дарахтлар ўтқизамиз. Дўст-ёронлар, қадрдонлар, дарахт қолдиринг. Мевали дарахт қолдиринг! Ўтган асрлардан қолган дарахтлар қаримоқда. Янги дарахтлар бўй чўзсин. Пишиқчиликларга етсин. Пишиқчиликларни севадиган халқим, боғ яратадиган қўлингдан ўргулай!..

Холида АҲРОРОВА

ГУЛ УНАДИ ОҒРИҚЛАРИМДАН

Азоб чекиб келдинг қошимга,
Ҳеч ким билмас номинг безовта.
Имкон борми
озор топмасдан,
Ҳасратларинг бориб етармі
Ойнинг масъум нигоҳларига.
Тун йиғламай айтарми алла,
Айғоқчилик қилмасми дунё?
Сарғайиб кетмасми,
Умидинг,
Ишончинг сўлмасми?
Бахт хазон куйини чалмасми?
Масхара қилмасми ададсиз фалак,
Аччиғи чиқмасми ғазабнинг?
Сирлашайми ё зулмат билан...
Безовта қилдимми, ёлғизим,
Алла айтмай,
Рўё бўлдинг, юлдузим.

ҚАЙТИШ

Хайр, киндик қоним тўкилган замин,
Болалик дамларим кезган ўтлоқлар,
Падар бузрукворим, хайр онажон.
Қизинг яна ортга қайтмоқда,
Вафосизлар макони сари.
Хавотирга тўла гавжум шаҳарда,
Ғариб кулбалару уйқусиз кеча,
Узундан узоқ тун тағин бошланар.
Тағин, ўз ёғига ўзи қоврилар,
Тунга асир бўлган хаёллар.
Қизинг ярасига туз сепа бошлар
Ўша дийдорталаб «пўримбачча»лар.
Шаҳар кўчасида ғамлар бўшалар,
Андуҳлар йиғлайди етимчалардай.
Сўровлар тентирар сўрайди тинмай,
— Не учун телба қиз маънисиз умр?..

* * *

Йўқ, кўришни истамайман ҳеч,
Келасан-ку, дея кўкрагинг керма.
Энди армон бўлиб айландим сенга,
Азобларинг отма кўксимга.
Мусичадай эдим беозор,
Сенга озор истамасдим ҳеч.
Энди тоғни талқон қиламан,
Энди шердай кўркмас бўламан.
Макринг жаллод, юрагинг қотил,
Кўксимга урилган болтанг ҳам бир ишқ,
Бироқ...
Энди инграмайди ҳасратларим ҳам,
Қон эмас, гул унар оғриқларимдан.

* * *

Олиб кетма ҳаловатимни,
Эй, кўкда ғарқ тўлиб пишган ой.
Нигоҳимда, тунлар яширин
Ҳали тонглар эди кўп узоқ,
Тун қаърида ғамлар яширин.

Соҳибдилим, сендан яралган,
Киборларга эдим ошуфта.
Хароб бўлдим киприкларим нам,
Ва танҳолик оғусин ичдим,
Соғинч захрин ичди вужуд ҳам.

Ғариб кўнгил, мастон хаёллар,
Оромларим ишқдай адашди.
Девонадил, ғамдай бепардоз,
Олис ишққа асира тушди.
Сирларини айтар фалакка:
олиб кетма ҳаловатимни —
Эй дил...

Дилфуза Нормуродова

ЁЗ ТАҚВИМИ

Мелоднинг 1998 йил июнининг 22-кунидан ёзнинг биринчи ойи Саратон бошланади. Ёзнинг иккинчи ойи Асад, учинчиси Сунбуладир. Буларнинг эронча номи Тийр, Мўрдод ва Шаҳриёвардир. Туркияда Июн «Ҳазирон», Июл «Теммуз», Август «Ағустос», Сентябр «Эйлул» деб аталади. Тақвимда Июн «н», Июл «л», Август «а», Сентябр «с» деб берилди.

Саратон

Шанба		6—27н	13—4л	20—11л	27—18л
Якшанба		7—28н	14—5л	21—12л	28—19л
Душанба	1—22н	8—29н	15—6л	22—13л	29—20л
Сешанба	2—23н	9—30н	16—7л	23—14л	30—21л
Чоршанба	3—24н	10—1л	17—8л	24—15л	31—22л
Пайшанба	4—25н	11—2л	18—9л	25—16л	
Жума	5—26н	12—3л	19—10л	26—17л	

Асад

Шанба	3—25л	10—1а	17-8а	24—15а	31—22а
Якшанба	4—26л	11—2а	18—9а	25—16а	
Душанба	5—27л	12—3а	19—10а	26—17а	
Сешанба	6—28л	13—4а	20—11а	27—18а	
Чоршанба		7—29л	14-5а	21—12а	28—19а
Пайшанба	1—23л	8—30л	15—6а	22-13а	29—20а
Жума	2—24л	9—31л	16—7а	23—14а	30—21а

Сунбула

Шанба	7—29а	14—5с	21—12с	28—19с	
Якшанба	1—23а	8—30а	15—6с	22—13с	29—20с
Душанба	2—24а	9—31а	16—7с	23—14с	30—21с
Сешанба	3—25а	10—1с	17—8с	24—15с	31—22с
Чоршанба	4—26а	11-2с	18—9с	25—16с	
Пайшанба	5—27а	12-3с	19—10с	26—17с	
Жума	6—28а	13—4с	20—11с	27—18с	

Тузувчи:
Алийбек Рустамий

Миллий чолғулар

НОҒОРА

Зарбли, урилиб чалинадиган чолғулар қаторидан ўрин олган ноғора Ўзбекистон, Тожикистон, Озарбойжон, Ҳиндистон (табла), Хитой ва бошқа Осиё мамлакатларида кенг тарқалган.

Ноғора бизнинг эрамизга қадар ҳам қўлланган. Кўҳна тарихдан биламизки, ёв бостириб келишини билдирувчи қурол сифатида фойдаланилган. У ноғоралар, албатта, ҳажм жиҳатидан жуда катта бўлган ва дўл деб аталган.

Аста-секин ноғора турлари кўпайиб борганлиги бизга маълумдир. Одатда катталиги турлича бўлган икки ноғорадан фойдаланилади. Табиийки, катта ноғоранинг товуши анча паст бўлади.

Ноғоранинг косаси сополдан, мисдан ва ёғочдан бўлиб, бузоқ териси билан қопланади. Ноғора икки чим чўп билан уриб чалинади. Ноғоранинг товуши ҳаддан зиёд кучли, баланд бўлганлигидан ашулачи-ҳофизга жўр бўла олмайди. Шунинг учун бу ажойиб чолғу катта тантаналарда, дор ўйинларида ва тўй-томошаларда жуда қўл келади. 20-30 йилларда бизга маълум моҳир ноғорачилардан Уста Олим Комилов (дойрачи), Юсуф қизиқ Шакаржонов (қизиқчи), кейинроқ тошкентлик Тўйчи Иноғомов (дойрачи)лар бўлганлар. Ҳозирги кунда ёш ноғорачилар талайгина.

Ноғора товушини ҳў, ироғи яхши,
Бир «бак-бак», бири бум-бум» жаранги яхши.
Ноғорага соз тортилган терисин қўйинг,
Унинг шу, жозибали такатуми яхши.

Ноғоранинг катта-кичик турлари ҳам кўп,
Дўлдан тортиб, қолаверса, нақ кўзачадек.
Савалашни бажараркан иккала чим чўм,
Қиздирмаган ноғоралар бўлади «дўп-дўп».

Ноғоранинг таърифи оз, тарихи узоқ,
Ноғоранинг терисини эгаси бузоқ.
Таърифини оз айладим, эпландими йўқ,
Ҳар кишига беради товуши бироқ.

Ноғорани эплаганлар тўйда чалади,
Болакайлар завқларидан қий-чув соларди.
Ёшлигида Сайфихон ҳам тақлид қиларди,
Тоғорани тўнтариб у, роса чаларди.

Сайфи ЖАЛИЛ,
профессор

МУЧАЛ ТЎЙИ

Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги Суюн Эргашев номидаги 92-ўрта мактабда ёзги таътил олдидан бир мучални тўлдирган болаларнинг «МУЧАЛ ТЎЙИ»ни нишонладилар. Ушбу ташаббусни мактабнинг фидойи ўқитувчиларидан Гулчирой Асқарова бошлаб берди. Ушбу тадбир ҳам урф-одатларимизга, миллий анъаналаримизга, илдизларимизга эътиборнинг бир кўринишидир. Олис қишлоқ мактабларида таълим олаётган ўқувчи болаларнинг фикр дунёсини кенгайтириш, уларни билимдонликка чорлаш, кунларини сермазмун этиш учун изланаётган азиз ўқитувчиларга болалар ўз меҳрини изҳор этди, туман халқ таълими миннатдорчилигини билдирди.

Мустақиллик болаларини ҳур фикрлашларига ҳисса қўшган ушбу тадбирни бошқа мактабларда ҳам тадбиқ этишларини истардик. Бу ҳам миллий тикланиш жараёнидаги кичик бир қад ростлаш деб ўйлаймиз.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

Миллий тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 0118.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Холида ИСЛОМОВА.
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 21.00

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 133-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Навбатчи — Холли НОРБОЕВ